




821.512.133.31
K 25

САЪДУЛЛА КАРОМАТОВ

БИР ТОМЧИ ҚОН

САЙЛАНМА

Икки жилдлик
Биринчи жилд



Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти

1988

Ўз2
К 25

Сузбоши муаллифи — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
ОДИЛ ЕҚУБОВ

Кароматов, Саъдулла.

Бир томчи қон: Сайланма. 2 жилдлик. Ж. 1. Қисса. Роман/[Сузбоши муаллифи О. Еқубов].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.—416 б.

Ёзувчи Саъдулла Кароматовнинг ушбу сайланма китобига «Бир томчи қон» қиссаси ва «Олтин қум» романи киритилди.

Караматов, Сагдулла. Капля крови: Избранные произведения: В 2 т. Т. I. Повесть. Роман.

4702570200—64
К М352(04)—88—7—88

ISBN 5—635—00049—5 (т.1)
ISBN 5—635—00063—0

© Ғафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашри-
ёти, 1988 й. (Сузбоши).

КАТТА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ёзувчини узоқ сафарга отланган йўловчига ўхшатгим келади. Манзил йироқ, йўл оғир, сайёҳ эса бу йўлда учраган ўнқир-чўнқирларга қоқилиб йиқилса ҳам руҳи тушмаслиги, баланд давоолар қаршисида эсанкириб қолмаслиги лозим. Бу қийинчиликларнинг барчасига дош берган адибгина сафар олдидаги олий ниятига етиши, ўз халқига фойда келтириши мумкин.

Таваллудига олтмиш йил тўлган Саъдулла Кароматов ана шундай иродаси мустаҳкам, том маънода меҳнаткаш, заҳматкаш ёзувчилардан биридир.

Ёзувчи Саъдулла Кароматов икки жилдлик сайланма асарларининг биринчи китоби ўз вақтида яхшигина мунозараларга сабаб бўлган «Бир томчи қон» тарихий-революцион қиссаси билан очилади.

«Асардаги ёрқин сюжет линияси, кескин конфликт, китобхон эсида қоладиган характерлар, ҳаётий деталларни аниқ бера билиш натижасида,—деб ёзган эди бу қисса ҳақида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин,—муаллиф ўтмиш муҳитни кўз ўнгимизда яққол намойиш эта олган. Бу қисса, шубҳасиз, ўзбек адабиётида революцион мавзуга бағишлаб яратилган энг яхши асарлар қаторидан ўрин олади».

Саъдулла Кароматов 1949 йилда Тошкент Давлат унiversитети типинг филология факультетини тугатганидан сўнг маълум муддат Ўзбекистон радиосида редактор лавозимида ишлади. Сўнгра Тошкент мактабларида адабиётдан дарс берди.

1954 йилда у «Совет Ўзбекистони» газетасига ишга таклиф этилди. Бу ерда адабиётимизнинг йирик намоёндалари Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин ва бошқалар билан яқин танишди. Улар билан ижодий мулоқотда бўлди.

1957—1959 йилларда у «Ўзбекистон маданияти» газетасида масъул секретарь бўлиб ишлади. Бу—унинг адиб тарзида шакллана боришида катта мактаб бўлди.

Саъдулла Кароматов ўзининг ilk асарларини худди шу йилларда яратиб берибди. Унинг олдий муҳит кишиларини улугловчи

қилинди. Кейинчалик «Амунинг зар нокиллари», «Кумуш камар», «Гузалик рамзи», «Тоғлар қаҳқаҳаси» сингари ҳужжатли қисса ва очерклар тўпلامлари алоҳида китоб бўлиб нашр этилди, китобхонлар ҳурматини қозона бошлади. 1965 йили у СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди.

«Этиқод»даги Самандарнинг ҳаёт йўлига разм солайлик: унинг отаси ҳам, ҳамшира онаси ҳам, ўзи ҳам бирйўла Улуг Ватап урушига кетишди. Этагидан катта ариқ шарқираб оқадиган чорбоғли ҳовлининг бежиримгина эшигига қулф урилди. Ота ҳалок бўлди, она дом-дараксиз кетди, Самандарнинг ўзи эса икки оёғи ногирон бўлиб қайтди. Аммо ўзини қўлга олди. Ойлар давомида ҳассасиз юришни машқ қилди, инсон иродасининг неларга қодир эканлигини яна бир карра намойиш этди. Қайноқ меҳнатга, шофёрлик касбига қайтди.

Саъдулла Кароматовнинг барча роман ва қиссалари рус тилига таржима этилди, қайта-қайта нашр қилинди. Улар нафақат республика, Иттифоқ китобхонларига ҳам манзур бўлди. «Эътиқод» қиссаси СССР Мудофаа министрлигининг адабий мукофотига сазовор бўлгани, адибга министр томонидан номи ёзилган офицерлик ханжари тақдим этилганлигининг ўзиёқ бунинг ёрқин далилидир.

Бу муваффақиятларга ёзувчи осонликча эришмади, албатта. У ҳаётнинггина эмас, ижоднинг ҳам катта мактабини ўтади. Саъдулла Кароматов жаҳон классик ва Иттифоқимиздаги адиблар ижодий мактабини уларнинг асарларини ўқиш билан ўзлаштириш қийинлигини масъулият билан ҳис этди. Таржимонликдек машаққатли ишга ҳам қўл урди. У француз ёзувчиси Жюль Верннинг «Сув остида 80000 километр», рус ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Вадим Кожевниковнинг «Пешин чоғи кунгай томонда», туркман адиби Қилич Қулиевнинг «Қора карвон» романларини, тожик адиби Юсуф Ақобировнинг «Тегирмон тўхтаганда» қиссасини таржима қилди. Булардан ташқари тожик адиблари Сотим Улуғзода, Жалол Икромий, грузин адиби Георгий Гулиа ҳамда италян, араб, афғон ҳикояларини ўзбек китобхонларига она тилларида етказиб беришдек хайрли ишларни ҳам бажардики, бу, шубҳасиз, ёзувчи учун катта мактаб ролини ҳам ўйнади.

«Олтин қум» романи геологлар ҳаётига бағишланди. Асарда қўйилган масаланинг кўлами ҳам, уни амалга оширишга бел боғлаган қаҳрамонларнинг иши ҳам ғоят салмоқли. Бир гуруҳ геологларимиз Ватап амри билан еримиз қаъридаги ҳам она юрт мудофааси, ҳам саноатимиз, ҳам халқ ҳужалигимиз учун ғоят қimmatли хом ашё—олтин запасларини аниқлашдек шарафли, айни вақтда ғоят машаққатли топшириқ оладилар. Асарнинг бош қаҳрамони Шерали Алиев ва унинг ҳамкасблари фидойилик билан ишга киришадилар.

Роман 1981 йилда Москвада «Советский писатель» нашриётида босилиб, Иттифоқ китобхоналарига тарқалди. Марказий матбуотдаги тақризлардан ташқари адиб китобхонлардан ҳам хатлар олди. Жумладан кемероволик геолог Василий Иванович Соловьев роман ҳақида қуйидагиларни ёзиб юборди:

«Олтин қум» романи учун Сизга чин дилдан ташаккур изҳор этаман. Унда талқин этилган воқеалар ва қаҳрамонингиз Шерали дастлабки саҳифалардапоқ мени ўзига ром этди, ҳис-туйғуларимни қамраб олди. Романини ўқиганда унинг қаҳрамонлари, Ўрта Осиёда Улуғ Ватап уруши йилларида нодир ва стратегиямиз учун ғоят зарур маъданларни қидириб топиш йўлида олиб борилган катта ишлар, унда иштирок этган кишилар кўз ўнгингда жонланади. Шерали Алиев мен ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида мен билан бирга ишлашган ҳамкасбларим билан тенгдош. Бинобарин, ёшлигим билан қайта учрашгандек бўлдим, ўша йилларда чўлда янги маъданларни излаганларимиз ва ниҳоят Қарноб конининг очилишини эсладим. Бироқ, афсуски, бизнинг ёшлик йилларимизда Шералига мадад берган Павел Иванович ҳамда Ҳафиз Мирзамухамедович сингари ғамхўр мураббийларимиз бўлмаган эди. Гуреевлар эса ўша кезларда ҳам истаганча топиларди. Сиз ўз романингиз билан ҳаётда ҳаминша принципиал ва актив позицияда туришга даъват этмоқдасиз. Шу жиҳатдан роман ёшларимиз тарбияси учун ҳам катта аҳамиятга моликдир. Шералининг Сабогулга нисбатан бўлган мусаффо ва тиниқ ёшлик дамларидаги севгиси ҳам жуда таъсирли ва ибратлидир. Мен табиат манзараларининг тасвирини ўқиганимда ўзимни бахтиёр ўша оромгоҳларда сайр этиб юргандек ҳис этдим...»

Ёзувчига китобхон ёзган бундай мактублардан юксакроқ баҳо бўлмайди. Китобхон баҳоси қалбдан отилиб чиққан баҳодир. Шундай мактублар йиғиндиси эса халқнинг ёзувчига бўлган муносабатини белгилаб берадиган ишончли меъёрдир.

Комил Яшиннинг ибораси билан айтганда, Саъдулла Кароматов қаҳрамонлари иродаси кучли, эътиқоди қатъий кишилар, ҳаётимизнинг олдинги сафларида бораётган курашчилардир.

Ёзувчи Саъдулла Кароматов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Энг муҳими—у адабиётимизда каттами-кичикми ўз ўрнини эгаллай олди. У ўз асарлари билан китобхонлар эътиборига сазовор бўлди. Бу эса ёзувчи учун энг олий орзудир.

ОДИЛ ЕҲУБОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

БИР ТОМЧИ ҚОН

МУҚАДДИМА

Қуёш гоҳ Регистон деворларини нур билан парчалаб ташлар, гоҳ беқарор баҳор шабадаси бошлаб келган тўзондан қочгандай, ўзини қора чодирга урар эди. Бундай кезларда Регистон даҳшатли тунни эслатар, гуноҳсиз бир кимсанинг қатли ҳақидаги «амиралмуъминин»нинг фармони олийини халойиққа эшиттириш учун арк дарвозаси олдида удайчи пайдо бўлгандай одамнинг эти жунжикарди.

Амирлик салтанатининг сўнгги тождори Саид Олимхон ишқилоб садолари гулдураши биланоқ, орқа-олдига қарамай қочган қўнғир дарвозага тикилиб турибман. Шамол хас-хашакни кўтариб ўша ёққа урарди.

Худди эртаклардагидек ўн икки бошли аждар ваҳм солиб турган дарвоза олдида энди исфиҳон шамширли сарбозлар йўқ. Гўристондай ҳувиллаган арк йўлагидаги обхоналардан¹ ишраган овозлар эшитилмайди. Гуноҳсиз бошларга жаллод ойболтаси тушганига гувоҳ бўлган, даррадан жароҳатланган юзлаб елкаларни ўз заминидан кўтарган Регистон бугун осуда. Аммо юракларда қолган доғ-чи? Жабрдийдаларнинг нола-фигони-чи? Уни авлодлар осуда тинглай олармиканлар?

БИРИНЧИ БОБ

1

Мен туғилиб ўсган Бозоринавдаги ҳовлининг уч хонаси ва бир болохонаси бўларди. Ёз кунлари ака-укалар тўпланганимизда саҳнига сиғишмай, кўчага чиқардик. Уни бошқа ҳовлилардан ажратиб турадиган бирор хислати бўлмаса ҳам бувимнинг амирнинг туши, Гулбодомнинг жасорати ҳақида ҳикоясини эшитганимдан кейин жуда муътабар кўрина бошлади. Гулбодомдай ажиб бир қизнинг шу ҳовлида тургани ҳақида хабар мурғаккина қалбимда фахр ва ғурур уйғотди.

Бу ҳикояни бувимдан ёз кунлари эшитган эдим. Туш маҳали эди. Бу пайт Бухорода куп жуда оғир кечарди.

¹ Обхона — бандилар сақланадиган қоронғи, зах хоналар.

«Кўчага чиқма, таффот келди», дейишарди оналар фарзандларини гармселдан асраш ниятида. Иссиқ шамол баданни жизиллатар, ҳавода учиб юрган қум заррачалари қайноқ томчилардай юзни куйдирар эди.

Бувимнинг кўзини шамғалат қилиб кўчага чиққан эдим, у бирпасда ғариштадай дарвоза олдида пайдо бўлди.

— Ҳой, болаларим, юра қолинглар, амирнинг тўпини ҳикоя қилиб бераман. Қани, эшитаман, деган келаверсин,— деди-ю, изига қайтди.

«Амирнинг тўпи» деган сўзни эшитганимиз ҳамоио «гурр» этиб ҳовлига отилдик. Бувим бизни ёзлик уйимиз остонасида кутиб турарди. Ҳар куни юз мартадан кириб чиқадиған уйимизга бугун сирли ғорға қадам қўяётгандай овоз чиқармай, оёқ учида кирдик. Бувим тўрга ўтирди. Биз дераза тагига ўтирдик.

Санъатқорона ўйилған нақшлар хонага алоҳида кўрк бериб турар, ганч сувоқ ойнадай ялтиллер эди. Аммо деворнинг тепа қисмида коптокдай туйнук кейинчалик қўлда сувалганидан янги тўнга тушған ямоқдай одамнинг гашини келтирарди.

Бувим кўрсаткич бармоғи билан шу сувалған жойни кўрсатиб:

— Амир тўпининг ўқи ҳув анави ҳовли томондан тешиб кириб, нариги девордан чиққан,— деди.

Биз ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб, бувим кўрсатған жойга ағрайиб қолдик. Бирпасдан сўнг, «кейин нима бўлди?» дегандай савол назари билан тикилдик. Бувим ҳикоясини давом эттирди:

Амирнинг тўпи ҳамиша аркда сақланаркан. Инқилоб ғулғуласи бошланганда навкарлар саф тортиб Регистонга чиқибди. Бир тўда навкар амир тўпини Бозоринавга ўрнатибди-ю, уни-отиш учун тоғорада ўт ёқибди. Тўп қизигач, у инқилобчилар келаётған томонга эмас, гузаримизга қаратилганича отилибди. Шунда коптокдай темир деворимизни тешиб ўтиб, тап этиб томимизга келиб тушади. Бирпасдан кейин бобонглар алпанг-талпанг кириб келиб: «Амир қочди, ҳуррият бўлди», дедилар. «Инқилоб бўлибди-да», дедим ичимда-ю, бобонгларга ялина бошладим: «Дадаси, жон дадаси, Гулбодомга одам чиқара қолинг, Чор бакирда¹, дейишяпти, ҳуррият бўлған бўлса, кела қолсин

¹ Чор бакир (ёки Чор бикр) — Бухорода етти-саккиз чақирим нарида. Гулбодом амир ҳарамидан қочиб, умрининг сўнгги бир неча купини шу ерда ўтказған ва шу ерда дафн этилған.

шўрлик», дедим. Бобонглар ерга қараб индамай қолдилар. Кейин билсам, ўн гулидан бир гули очилмаган лобар қизнинг умри хазон бўлган экан...— Бувим дув тўкилган кўз ёшларини енги билан артиб:— Эсиз, гулдай бола побуд бўлиб кетди-я,— дея ўрнидан турди.

Бувим чиқиб кетиши билан «гурр» этиб ўрнимиздан турдик, маслаҳатлашгандай кичик томга тирмашдик, амир тўпининг ўқи тушган ерга бориб чўккаладик. Ҳар биримиз эшитганимиз ҳақида болаларча мушоҳада этиб бирпас баҳслашдик, сўнгра тарқалишдик.

Гулбодомнинг сиймосини кўз олдимга келтира бошмадим. Бувимнинг сўзларига кўра, кўз ўнгимда оқила, тенги йўқ гўзал ва эпчил қиз жонланарди-ю, суратини аниқ тасаввур қилолмасдим. Кейинчалик бир кўзли Равшан бобонинг Гулбодомни яхши кўришини, унинг азоб-уқубатлари ҳақидаги узук-юлуқ ҳикояларини эшитиб қолдим. Гулбодомнинг хотирасини муқаддас сақлагани учун қалбимда бобога ғойибона меҳр пайдо бўлди.

Шу-шу, Бухорога борсам, бу олижаноб инсон кўз олдимдан нари кетмайдиган бўлди.

2

Арк дарвозаси олдида вазмин одимлаб Регистон томон ўтдим. Ўнг томондаги чорбоғда ўтириб, бирпас нафас ростладим. Хаёлимда Равшан бобо.

Мен уни атиги бир марта узоқдан кўрганман. Бувим қазо қилганида келган эди. Амаким уни кўриши билан истиқболига чиқди. Табаррук одамни зиёрат қилгандай унинг қўлларини аввал қошларига, сўнгра юзларига сурди-да, мезбонга хос тавозе билан бобони ичкарига таклиф этди. Бувим Гулбодомни эслаб кўз ёши тўкканларини хозум ўтмай қайтиб чиқди. Очиқ бир кўзини рўмолчаси билан артиб, бошини қўйи солганича, ҳамма билан бир-бир хайрлашди-ю, Даббийён томон кетди.

Амаким бобонинг орқасидан узоқ тикилиб қолди. Сўнгра ёнида ўтирганларга тушунтирди:

— Раҳматлик Гулбодомнинг ўлимидан сўнг Чор бакирдан сира жилмайдиган бўлиб қолди. Ўша ернинг қоровуллигини сўраб олди. Шаҳарга олиб келамиз, деб қанча уриндик, бўлмади. Ҳар гал қистаганимизда: «Йўқ, қўйинглар, мен унинг ёнида турай, ҳеч бўлмаса руҳи шод бўлади, ўзимам бағрим бут бўлиб юраман», дерди ер чизиб.— Амаким чуқур ух тортиб:— Э, тақдир шум экан—

да,— деб қўшиб қўйди.— Шўрлик Гулбодомнинг қайси қабрдалигини ҳам билмайди, қабрлар атрофида парвона бўлиб кезади.

3

Кўз олдимда яна бобо жонлабди. Энди уни қабрлар орасида аниқ кўргандай бўлдим.

Гулбодом воқеасини бобонинг ўз огзидан эшитиш ниятида Чор бакирга жўнадим.

Дала энди уйғонмоқда. Гилос ва ўрик гуллари атрофга ўзга бир файз киритган. Қуёшга интилаётган зумрад янроқлар ел билан сеҳрли тилда сўзлашаётгандай шивирлайди. Катта йўлнинг икки четидаги ўт-ўланлар эринчоқлик билан тебранади. Тўғрига қарайман. Йўл, йўл... Икки ёқда кафтдай текис экинзорлар. Олис-олислардан қишлоқларимизнинг шинам уйлари кўзга ташланади...

Машина асфальт йўлдан чап томонга бурилиб, ўйдимчуқур йўлда чайқала бошлади. Яна бирпасдан кейин тўхтади. У ёғига яёв ўтиш керак. Шўрхок тўпикқа уради. Амаллаб салобатли биновнинг гиштин йўлкасига чиқиб олдим. Равшан бобо кўринмайди. Қўли гул меъморларимиз яратган иморатни кўздан кечираётган эдим, бобо ўнг томондаги пастаккина зинадан қўлида калит жиринглашиб чиқиб қолди. Оқ яктагининг ёқасидан оппоқ кўкрак жунлари кўриниб турибди. Чўққи соқолида қора кўринмайдию, аммо кумуш ранг товланади. Елкалари букилмаган. Куч-қувватдан қолмагани шахдам одимлашидан шундоқ билиниб тирибди. Ўнг кўзи таңилган. Тилининг учи билан лабларини тез-тез ялаб қўяди, қўллари аллапарсани излагандай тинимсиз ҳаракатда. Чеҳраси ғам-ғусса ипқоби тортилгандай ташвишли. Менга бир қаради-ю, саломимга алик олгач, бориб Чор бакирнинг хонақоҳини очди.

— Кириб томоша қила қолинг, ўғлим.

Унинг овозида аллақандай ички изтироб, ҳазинлик бор эди. Ҳол-аҳвол сўраб берган саволларимга ҳам ерга қараб ийманибгина жавоб қайтарди. Безовталаниб қабрларга қаради-ю, кенг манглайидаги қат-қат ажишлар изтиробини ифодалагандай янада чуқурлашди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди.

Мен савол беравериб уни қийнагим келмади. Ўзи ҳам мен билан ортиқ қолмади. Аста одимлаб, қабристон томон кетди.

Равшан бобо мени тапимасди. Ўзимни тапнатиб, ярасини янгилаб нима ҳам қилдим, дедим-да, хонақоҳни кўздан

кечира бошладим. Кўзим хонақоҳ деворларидаги нақшларда-ю, хаёлим Равшан бобода. У ҳақдаги ўйлар менга тинчлик бермасди.

Чеккага чиқдим-да, бир қабр олдига бориб чўккалаган Равшан бобонинг ҳаракатини кузата бошладим. Сийқаланган қабр тошини қўли билан силади. Дард қийпаётган бемордай инграб, секин бош чайқади. Иккинчи, учинчи, тўртинчи қабр устида ҳам шу ҳол такрорланди. Сўнгра ўрнидан туриб, телбаларча барча қабрларни кезди. Чарчади шекилли, сайҳон ерга чиқиб, тўнка устига ўтирди, ғам тўла кўзларини қабристонга тикди. Икки тирсагини тиззасига тираб, чуқур хаёлга толди. Неларни ўйлаётган экан бу ғамнок бобо? Унинг изтироб тўла қалби қандай чидаб турибди экан?

Ортиқ сабрим етмади. Бобога яқинлашдим. Унинг дардига шерик бўлиб, бир оз бўлса ҳам кўнглини кўтара олармиканман, деган ниятда ийманибгина сўрадим:

— Бу қабр тошлари орасида қандай ёлғиз юрасиз, бобожон? Айниқса, тунда?

Бобо бош чайқади.

— Ўрганганмиз, болам,— деди-ю, яна жим қолди.

Мен бобонинг севги қиссасини эшитини ниятида яна савол бердим:

— Ғамнок кўрипасиз, тобингиз йўқми?

Бобо яна бош чайқаб, бир зум жим қолди. Сўнгра сескин:

— Менинг дардим давосиз, ўғлим,— деди. Кўзи ҳамон қабристонда.— Қабристонни кезганимда, руҳим бир оз енгиллашади, ором олгандай бўламан.

Бобо индамай қолди. Мен узилиб қолган суҳбат ипини қандай улашни билолмай турган эдим, сўзини давом эттирди:

— Бобонгизни дардини сиз сўраманг, у сўйламасин. Бу бир поёни йўқ ғам-алам дафтари. Уни очиб сизнинг ҳам қалбингизни пора қилгим йўқ, ўғлим. Қўйинг, меҳмон кўрипасиз, ўйнаб келгансиз, ўзингизни хафа қилманг.

Бобони бу сўзлари менга ажойиботлар оламининг дарвозасини кўрсатиб, калитини яшириб қўйгандек туюлди. Ўша поёни йўқ ғам-алам дафтарини ўз қўлим билан варақлагим келди. Бироқ қандай қилиб? Ўйлашиб қолдим.

— Жуда қизиқиб қолдингизми дейман, ўғлим?— деди чол менинг қизиқиб қолганимни кўриб.

Мен, калаванинг учини биров қўлимга нақд қилиб тутқазиб қўйгандай, жон ҳолатда: «Ҳа, бобожон!» дедиму, унга яқинроқ ерга чўккаладим.

Бобо ўрнидан туриб, яктагининг барини қоқди.

— Бўлмаса, сиз Чор бакирни баҳузуз кўриб бўлгач, ҳу анави эшикка кириш, мен бир косагина шўрва қилиб тураман,— дея боя чиққан пастак эшик томон юрди у.

Мен қабрларга ҳайратомуз назар ташладим. Хаёл минг ёқларга судрарди. Бобо тақдирини ўзимча юз оҳангга солиб кўз олдимга келтирдим. Аммо буларнинг ҳаммаси сохта, сўзларига нисбат бериб ўйлаётганим қуруқ сафсата эди. Бобо билан бўладиган учрашувга, унинг ўтмиш ҳақидаги қиссасини тинглашга ошиқардим.

Аста-секин оқшом қўнди. Боягина атрофга чирой бериб турган Чор бакирнинг ҳашаматли биноси энди қора пардага ўралиб, қовоғини уйиб олди. Тўрт бурчагидаги миноралар баланд тоғ чўққиларидай кўкка бўй чўзган. Бобо ўтирган бир қабр ёрилиб, кимдир ундан мўралаётгандай бўлди. Ўнгга қайрилиб, икки қадам босган эдим, бобонинг овозини эшитдим:

— Ўрганмагансиз, ўғлим, қоронғида бу ерларда юрмаган ва бўлмаган ҳар қандай одамни ваҳм босади. Қани, юра қолинг, шўрва ҳам ипишиб қолди,— деди у мулоимлик билан.

Мен сир бой бермасликка ҳарчанд уринмай, ҳаяжонимни босолмасдим. Ниҳоят, «хўп раҳмат», дедиму бобонинг орқасидан эргашдим.

4

Ўша пастак эшикдан ичкарига кирдим. Кирдим, кўзларимга ишонмай ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ажабо! Қабристоннинг ёнгинасида турфа гуллар чамани. Ўлим ва гул! Шу бир неча дақиқа ичида содир бўлаётган воқеаларни ўйлаб, гапигиб қолдим, мушоҳада қилиш қобилиятидан тамом маҳрум бўлдим. Ўзимни бир оз ўнглаб, яна атрофга алашладим.

Чоғроққина ҳовлининг деярли ҳамма ерида оқ, сариқ, пушти, қизил, новвот ранг гуллар сунадаги фонус ёғдусида мавж уриб жилваланарди. Ўртадаги гул айниқса кўзга яққол ташланарди. Бир тупнинг ўзида олти хил гул камалакдай товланмоқда. Бобонинг таклифини ҳам кутмай, сунадаги кўрпачага бориб ўтирдим.

— Чой ичинг, ўғлим.

Бобонинг хаста овозидан ўзимга келдим. Пиёлани олиб, чойдан бир ҳўпладим, яна ҳовлини кўздан кечира бошладим. Турда кичиккина хона. Чироқнинг хира ёғдусида бир хоптахта, хонанинг қуйироғидаги қизил мис обдаста

ялтиради. Қолган жиҳозлар ҳовлида: икки пиёла, учта кўрпача, қизил чит дастурхон ва йўл-йўл шолча.

Бобо ўчоқ олдига бориб иккита косага шўрва сузиб келди. Ўзи ҳам сунага ўрнашиб, косани қўлига олди. Бир ҳўплаб, мени қистади.

Иштаҳа бўғилган. Аммо бобонинг иззати учун икки-уч ҳўпладимۇ яна тикилдим.

Пешонасидаги ажишлар боягидан анча кўпайгандай туюлди назаримда. У ғам юки босаётгандай тобора маъюс-лашар, аҳён-аҳёнда ўнг қўли билан соқолини тутамлаб, силаб қўяр эди. Алланарсани хотирлагандай менга бир қараб олгач, ўртадаги гулга тикилиб қолди.

Шу тариқа анчагача индамади.

Бобо умрининг ўзи бир дoston эди...

ИККИНЧИ БОБ

1

Гулбодомлар ҳовлиси Халач қишлоғининг энг гавжум, кўримли ерида эди. Уни бутун қишлоққа машҳур қилган бирдан-бир нарсаси хилма-хил атиргуллари эди. Ҳовли юзи анвойи гуллар чаманзори. Кўз қамаштирувчи бу чаманзор ёнида тутдай тўкилиб турган икки уй бўлиб, булардан бири — кунгайидагисида Гулбодомларнинг эти бориб устихонига ёнишган кичкинагина жайдари сигири, унинг ёнидаги бир хариси тирговичланган каталакдай уйда эса ўзлари туришарди. Йиллар ўтиши билан аста-секин гугурт тусга кирган тахта сандиқ — бу уйнинг бирдан-бир жиҳози тахмонга қўйилган. Унинг устига уч-тўртта чурук кўрпа-кўрпача тахланган. Ўртада напат, четидан титилган бўйранинг чўплари чиқиб турибди. Уйнинг ярмидан кўпида палос йўқ. Зах тагсичларгача урибди. Пойгакда сопол обдаста, ёнида кўза. Токчада тўртта сопол косаю битта товоқ. Уйда дераза йўқ. Икки эшик. Юқорироқдан косанинг оғзидай туйнук очилган. Эшиклар ёпилганда, уйга ўша ёқдан ёруғлик тушади.

Гулбодомнинг отаси Ҳодиқул ака камгап, ҳамиша қовоғини солиб юришидан бўлса керак, кўзларининг атрофи анча салқиган, бу уни беш-ўн ёш каттароқ қилиб кўрсатарди. Гулбодом дадасининг кулганини сира кўрмаган. Бирон нарса ёқмаса, бир-икки бош чайқаб, ўнг қўлини ёнига қараб силтаб, индамай кетади. Опаси Гулсапам уни эркалаётганида кириб келса, Ҳодиқул хотинига қараб:

— Болани талтайтирма, ундан кўра бўз тўқишни ўргат, тирикчилигинга ярайди, — дерди.

Бирпасдан кейин:

— Қорнинг нонга тўймайдиган шу замонда ўйип-кулгига бало борми?— деб тўнғилларди.— Бор, ўт юлиб кел, сигирнинг кечлигига ҳеч нарсга йўқ. Эҳтиёт бўл, ошга соладиганларни алоҳида йиғишни унутма. Бора қол энди.

Бугун ҳам одатича қизини далага ҳайдаб, неча йиллардан бўён рўзгорини тебратишда суянчиқ бўлиб қолган қора эшагининг айилини торта бошлади.

Гулсанам эрининг шом чоғида қилаётган бу ҳаракатидан таажжубланиб, остолада туриб қолди.

Ҳодиқул хуржунни ташлаб, Гулсанамга пўнғиллади:

— Қотган-қутган бўлса ҳам уч-тўрт бурда нон олиб чиқ.

— Бемаҳалда қаёққа кетяпсиз, дадаси?— деди Гулсанам тортишибгина.

— Тирикчилик. Сафарбойникида бугун базм. Ўғли биринчи саёҳату тижоратдан қайтганмиш. «Сурувимдаги қўйларим ҳам шу муборак кунда унутилмаслиги керак», деб мени чўлга ҳайдади. «Шу бугуноҳ жўна, қишлоқда қоранини кўрсам, бошининг танагдан жудо қиламан», деб пўнғилса ҳам қилди,— деди Ҳодиқул. Сўнг чуқур уҳ тортди.— Қани, қимирла, Ўрта чўлни ҳам ярим тунда кўрсам керак.

Гулсанам уйдан эрининг белбоғига нон тугиб чиқди. Ёрга қараб, яна эрига мурожаат қилди:

— Майли-ю, шу бугун негадир юрагим жуда ғаш, дадаси. Ўзимни қўярга жой тополмаётгандайман. Эртага тонг ёриши билан кета қолсангиз бўлмасмикан?— Гулсанам шундай деди-ю, эрининг қовоғига қараб қолди.

— Ўзининг қўйишга ҳовли торлик қилаётган бўлса, далага чиқ, нима, сени бўри ермиди, мен билан сенга ўхшаганларнинг юраги ғаш бўлгани қаёққа борарди,— дея Ҳодиқул эшагини ниқтади.

Гулсанам эрини дарвоза олдиғача кузатиб қайтди. Ҳовли ютиб юбораётгандай, уни ваҳм боса бошлади. Далага чиқиб, қизини бошлаб келди. Уни бағрига босиб, узоқ эркалатди. Она-бола чироқ ёқишни ҳам унутишди. Ним қоронғи, зах уйда хуфтонгача шу йўсинда ўтиришди.

Гулбодомни уйқу босаётганини кўриб, Гулсанам ўрнидан турди. Ҳовлини бир айланиб, эшик запжирларини кўздан кечирди, боягина қизи олиб келган ўтти сигирга ташлади. Қайтиб келгунича Гулбодом тақир намат устида пишиллаб ухлаб қолибди.

Гулсанамдаги саросималик ҳали ҳам босилмаган эди. Қалима келтириб, тахта сандиқ устидаги кўрпачани олиб,

уйиниң бир бурчагига ёзди. Иккинчи кўрпачани эшикниң таккинасига солди. Қизини уйғотди.

— Тур, ўрниңга ўтиб ёт. Вой, қизим, кўзиниңни оч, энди сени кўтаришга онаңни ҳоли йўқ, болагинам, қани тура қол. Ҳа, баракалла. Апа, сен шу ерда ётасан, — деди у қизини ётқизаркан. — Мен бугун эшикда ётаман. Сени безовта қилмай, деб ўзимга алоҳида ўрин солдим, қани, ёта қол энди. Мен ҳовлини бир айланиб келаман.

2

Гулсанамниң кўзига анчагача уйқу келмади. Аччиқ тақдир унга ором бермасди. Эриниң боягина: «Ўориниң нопага тўймайдиган шу замонда ўйин-кулгига бало борми?» — деган сўзлари қулоғи остида жаранглагандай бўлиб, баттар хўрлиғи келди. Бейхтиёр шивирлади: «Бизлар учун замонниң сира фарқи бўлмаса керак. Замон бизларга боқармиди».

У ўйга толди. Ҳаётиниң бирор дақиқасини ҳам осуда ўтказганини эслай олмади. Кези келганда бир тишлам нонни чайнашга ҳам қўйишмайди. Эсини танибдики, Сафарбойниң чўриси. Қўли косов, сочи супурги.

Бўйи етай деганда Самап билан бўлган кўнгилсиз ҳодисадан сўнг Гулсанамни Ҳодиқулга йигирма йиллик меҳнати бадалига чиқоҳлаб беришди. Бой шунда бир ўқ билан икки қаргани урган эди. Энди Ҳодиқул билан Гулсанамгина эмас, уларниң фарзандлари ҳам ўла-ўлгунча Сафарбойниң қули. Қолаверса, ўғли Самапни маломатдан қутқазди.

Гулсанам хўрсиниб, ташқарига қаради. Зим-зиё осмонда яккам-дуккам юлдузлар хира милтиллар, бу ваҳимали тунда унинг қалбига баттар тағлиқ солар эди. Бехосдан келган шамол ҳовли торлик қилгандай, эшикларни тарсурс уриб, уйга отилиб кирди. Гулсанам бориб Гулбодомниң устини ёнди, қўрқиб кетмасин деб ёнида бирпас ўтирди. Сочларини оналик меҳри билан силади. Кимсасиз чўлда қум кечаётган эри кўз олдида келиб, юраги ачинди. «Шўрлик, қандай етди экан? — дея пичирлади. — Тангрим, ўз папоҳингда асра!» Секин ўрнига ўтди. Кўзини юмди. Йўқ, ухлай олмади. Ўрнидан туриб ўтирди. Ёнбошлади. Ётди. Ўнг, чап томонга ағанади. Бўлмади. Юрагини харсанг босгандай қийналарди.

Гулсанамни хаёл ёнлик йилларига етаклади. Отасини сўнгги бор кўрганида олти ёшда эди...

Камбагал билан бировнинг иши бўлармиди? Кун ора-ламай қишлоқдан бутун бошли оилалар йўқоларди-да, шу бўйи дом-дараксиз кетарди. Ўғирланган кишиларнинг тақдири нима бўлади, уларни қаёққа олиб кетишади? Бу энди «мол эгаси»нинг ихтиёрида. Шундай бахтсизликлардан бири Гулсанамлар оиласи бошига тушди. Машҳадда қий-чув бўлди-ю, бир тўда милтиқли киши Гулсанамлар ҳовлисига бостириб кирди. Гулсанам қамчи зарбидан чип-қириб, ўрнидан турган эди, бадбуруш бир киши уни қис-қичдай қўллари орасига олди. Қўрқув аралаш бақира бошлаган эди, ҳалиги киши уни ерга қўйиб, икки шапалоқ урди. «Нафасингни ўчир, бўлмаса мана бу билан савалайман», дея қамчи ўқталди. Гулсанам ипдамай қолди. Кун тиккага келганда, у отасининг бағрида ётар, иситма бада-нини ўтдек куйдирарди. Тун қандай ўтганини хотирлай олмайди. Карвонбошиларнинг: «Бухоройи шарифга кел-дик, ипшоолло», деган сўзларини аранг хотирлайди. Улар-ни карвонсаройда икки кун сақлашди. Учинчи куни Маш-ҳад бандиларини тўрттадан-бештадан олиб кетишди.

Шофрикоп туманидаги енг ичида бўлиб турадиган бо-зорда қул савдоси айни қизиганда, Гулсанам отасининг иссиқ бағридан жудо қилинди. Эс-эс хотирлайди. Тўладан келган бир киши Гулсанамларни бошлаб келган одам би-лан қуюқ сўрашди.

— Аттанг, кечикибмиз-да? Бундан тикроғи қолмади-ми?— дея Гулсанамни энгаҳидан кўтариб, кўздан кечи-ра бошлади.

— Хоҳласалар бу чўрининг отаси ҳам бор. Марҳамат, тақсир, сиздай мурувватли харидоримдан ҳеч нарсани аймайман.

Харидорга бу гап маъқул бўлмади шекилли, пешана-сини тириштириб пўнғиллади:

— Нима, Сафарбой эшакмия еган, деб ўйлаяпсизми?

— Ҳи-ҳи-ҳи, сизга мол ўтказиш ҳам амри маҳол-да, тақсир, ҳи-ҳи-ҳи...

Савдо битди. Отасининг бу қадар даҳшатли ўкириб йиглашини Гулсанам бирипчи кўриши эди. Югуриб бориб ўзипи ота бағрига отди. Бироқ Сафарбойнинг темир пан-жалари ҳали ота меҳрига қонмаган Гулсанамни юлиб олди:

— Қапи, юр, чўривачча!..

Челаклаб олаверсанг, денгиз қуриркан. Йиглайвери-б Гулсанамнинг кўз ёши ҳам қолмади. Дийдаси қотди. Ин-сон ҳамма нарсага кўникканидай, Гулсанам ҳам тақдирга тап берди. Сафарбой эшигида чўрилиқ йиллари бошланди.

Унинг кўзлари ҳамманинг кўзидек очиқ, ҳамма нарсани кўради, ҳис этади. Аммо жисми забун. Бу забунлик уни итоаткорликка, ҳар бир фармойишни ўша заҳоти итоаткорлик билан бажаришга, тапирганда ерга қараб туришга одатлантирди.

Ўттиз бешга кирибдики, туну кун Сафарбойникида. На уйқусида ҳаловат бор, на юриш-туришида. Тиним билмай елиб-югуради. Охири беморлик уни толдирди. Каловлашиб қолди. Катта ойим икки-уч кун уйда ётишга рухсат берди. Аслида бу унинг Гулсанам базмда кўзга чалинмаслиги учун кўрган тадбири эди.

3

Гулсанам ун тўртдан энди ун бешга қадам қўйганда, Сафарбойларникида қандайдир бир маврид билан базм бўлиб қолди. Шароб кўзаларини етказиб бераётганларнинг қўли қўлига тегмайди. Бойваччалар қутургандан қутуришди. Ўртада заифона лозим-қўйлак кийиб олган бачча уларнинг ҳар бирига алоҳида муқом қилиб, тиззасига ўтирар, шёллада шароб тутар эди. Катта бойвачча Саман ўрнидан даст кўтарилди-ю, гандираклаб ташқари ҳовлига ўтди. Бу ердаги кичик уйчада чўрилар туришарди. Саман бир тавақалик эшикни зарб билан тепган эди, икки чўри сапчиб ўринларидан туришди.

— Ҳе-е-е, сенларни қара-ю, ҳалитдан ётасанларми, тур, ҳозир иккаланг ҳам хизматга, қани бўл-л-л!!!

Гулсанам дик этиб ўрнидан туриб, отилиб ҳовлига чиқаётган эди, Саман уни тўхтатди.

— Се-е-е-н, шошма-а!.. Шу ерда қол, иш бор. Сен, қани, бориб катта ҳовлида хизматда бўл-чи, жуна-а-а!..

Иккинчи чўри чиқиб кетди. Саман Гулсанамни туртиб ичкарига итарди. Эшик зулфинини маҳкамлаганда, Гулсамам ўзини бойваччанинг оёғи остига ташлади.

— Раҳм қилинг, бой ака, раҳм қилинг етимчага, жоп бой ака, жувопмарг қилманг!

Куч-қудрати олдида лол бўлиб, оёғи остида инграётган қиз пидосини тинглаш учун келганми бу ерга бойвачча?!

— Ха-ха-ха, тур, нодон!..

Саман этигининг пошнаси билан Гулсанамни туртди ва қоронғида тимирскилаб, валдирай бошлади:

— Шукур қилмайсанми мендай бойваччанинг назари сенга тушганига, ҳей, пошукур чўривачча! Бу сенинг бахтиг-ку!

Гулсанамдан садо чиқмади. У бурчакка бориб биқиниб, бошини орқага ташлади. Азбаройи довдираганидан овози чиқмай қолди. Тош чироқнинг хира ёғдусида тиззаларининг қалтираётганини кўрган Саман уни қўлидан ушлаб тортди. Ҳолсизланган қизнинг аъзойи бадани дир-дир титрар, ёдлаб олгандай бояги сўзларни такрорлар эди:

— Раҳм қилинг, бой ака, раҳм қилинг етимчага, жу-вошмарг қилманг, жон ака, қўйворинг, уят бўлади.

— Ха-ха-ха, чўри уятни биладими? А? Парвардигор чўрини хўжаси учун яратган. Ҳе, сени қара-ю, қани, кел, кел, қўлимга пичоқ илинмасдан.

Саман ҳансирай бошлади. Энди унга ҳеч гап кор қилмасди. Зеро, Гулсанамнинг гапиришга сира ҳоли қолмаган, қўрқувдап икки қўлини муштлаб, олмадай таранг кўкракларига босганича юм-юм йиғлар, юраги ўйнаб, тилига сўз келмай қолган эди. Зум ўтмай ўзидан кетиб йиқилди...

Чинқирган овоз ичкари ҳовлидагиларни оёққа турғазди. Саманнинг улфатларидан уч-тўрттаси отилиб чиқди.

— Тинчликми, тинчликми?— деган саволга Саман парво қилмай зинадап кўтарилаётиб:

— Ҳе, бу зоти паст, мени тез қўйворинг, деб чинқир-япти-да,— деб пўнғиллади.

Ҳеч ким ҳеч нарсa тушунмай турган эди, ичкаридан йиғлаб чиққан Гулсанам югурганича кўчага чиқиб кетди.

Сафарбой Гулсанамнинг орқасидан отилди. Орадан ҳафта ўтмай бой қароли Ҳодиқулни уйлантирди.

Гулсанамнинг кўзида ёш ҳалқаланди. Тун қоронғиси-га тикилди. Умр бўйи кўз ёшини яширди, изтиробини ошкор этмади. Унинг бирдан-бир суянчиғи, орқасида тоғдай бўлиб тургани Ҳодиқул эди. Бутун дардини, дилидаги орзу-аламларини Ҳодиқулгина тушунарди. Шунинг кўз олди-га келтирганда Гулсанам анча енгил тортар, эрининг аччиқ-чучук гапларини замоннинг нобоплигига йўйиб, ўзига тасалли берар эди. Баъзан Ҳодиқулнинг маънос кўзларига боқмай, кўнглини кўтаришга, унга далда беришга интиларди. Шунда Ҳодиқул бир ух тортди: «Э, Гулсанам, одам аткал кўнглини қовуртими дейман, бир ёқда ювунди-са, бир усти ювунлар тамшайиб ўтирса-ю, иккинчи ёқда тоғтоғар бази сулалабедод, қандай замон бўлди ахир!»— деди-ю, қўли билан кўзини кўчага чиқиб кетарди.

Гулсанам кўзи олдида яна эри жонланди. «Танграм, ўз навоҳида, асрида, мана шундай интирлади. Чап ёнбошига ағанаган эди, тўра олган овоздан чўчиб, ўрнидан турди. Ҳовли томонга яқинроқ сурилиб, диққат билан қулоқ солди. Бостирма...»

Гулсанам ҳовлига чиқаман, деб энди бир қадам ташлаган эди, кучли зарб уни ерга ағнатди. Яна ўрнидан турганда иккинчи мушт зарбидан кўз олди қоронғилашди. Рупарасида юз-кўзини қийиқ билан тангиган давангирдек киши турарди.

Гулсанам қўллари билан юзини тўсиб, инграб юборди. Ҳалиги киши уни елкасида маҳкам ушлаб:

— Қизинг қани? — деб хириллади.

Гапиришга ҳоли қолмаган Гулсанам безгак тутгандай қалтираб, ҳўнграб юборди.

Номаълум киши ўшқирди:

— Нафасингни ўчир, йўқса, онангни Учқўрғондан кўрасан, — деб этик қўнжидан пичоқ олди.

Гулсанам бор кучини тўплаб, жон ҳолатда даҳшатли овоз билан «Войдод!» деб чинқирган эди, ўнг биқинига тиг санчилганини сезди.

Уйғониб қолиб гап нимадалигини пайқаган Гулбодом бирпас саросима ичида туриб, секин ўрнидан кўтарилди. Зим-зиё қоронғида девор тимирскилаб ҳовлига чиқди-ю, ўнг томондаги кичкина эшикдан чорбоққа ўтиб, катта тутга тирмашди.

Чорбоғ эшигининг тақ этганини эшитган номаълум киши Гулсанамга яна икки-уч тиг санчди. Ҳовлига отилиб, атрофга алағлади, қия қолган чорбоғ эшигини бир тепиб, ўша ёққа ўтди. Тут тагида туриб, атрофни кўздан кечирди. Чап томондаги анжир ва анор тағларини тимирскилаб кўрди. Бодом тагидаги тикап чайлага кириб чиқди. Зог йўқ.

Номаълум киши юзидаги қийиқни олди. Афсус билан бош чайқаб: «Наҳотки дадаси билан чўлга кетган бўлса, аттанг», деб шивирлаган эди, кўчадан оёқ дупури эшитилди. Ўзини ариқ томонга урди. Энди ғала-ғовур эшитилди. Қора ният киши далага олиб борадиган сўқмоқдан эмак-лаб, бедазор ичига кириб гойиб бўлди.

Кун кўкара бошлаган эди...

— Вой оне-е-ем, вой онажоне-ем. Мени кимларга ташлаб кетдингиз, онажон, онажонгине-е-ем, жаллоднинг қули сийсин, онажон...

Юракни қиймаловчи бу ногаҳоний фиғон бутун қишлоқни оёққа тургазди. Бирпасда Гулбодомнинг атрофини эркак-аёл ўраб олди. Ҳамманинг юзида ташвиш. Кимдир: «Оқсоқолни чақириш керак, бу қандай бедодлик?» деган

эди, икки-уч киши барабар қўл силтаб: «Камбағалнинг ўлгани билан кимнинг иши бўларди?» деди умидсиз оҳангда.

Гулсанамни авайлаб ўринга олишди.

Қўшнилардан бири энтикиб-энтикиб йиғлаётган Гулбодомнинг бошини силаб, уйига олиб чиқиб кетди. Қолганлари ўликни пешинда чиқаришга қарор қилишди. Сўнгра ҳар ким ҳол-қудрат йиғиб, Ҳодиқулнинг ён қўшниси Раҳмон тоғага тутди.

— Сиз баланд-пасти кўрган одамсиз, бу ёғини саранжомларсиз.

Бир чеккада хомуш турган Раҳмон тоға секин бош ирғаб пулни олди-ю, мазор томонга кетди.

Ҳовлида беш-ўн киши қолди. Кўчаларга сув сепишди, йўл текислашди. Бу ишларнинг ҳаммаси битгач, дарвоза олдида уч-тўрт мўйсафидга жой қилиб беришди.

Шундай қилиб, Халачининг бу куни ҳам дилсپёхлик билан бошланди. Куни кеча амир одамлари келиб, деҳқонларни қон қақшатди. Икки киши ўтган йилги боқимонда қарзи учун банди қилиниб, зиндонга олиб кетилди. Уплап олдинги куни қишлоқ оқсоқоли Зокирбой сув пули йиғлаётганда қишлоқнинг суққабош мўйсафиди Садир ота бор-йўғи чорак танобгина еридап ажради.

Деҳқон бундай кўнгилсизликларни кўравериб кўникап, тақдирига тан берган, аста бош чайқаб, ички дард билан ҳамдардлик билдиради-ю, ўз юмуши билан бўлади.

Аммо бугунги шум хабар кўпчиликни саросимага солиб қўйди. Гулсанамнинг ўлими кимга керак бўлиб қолди? Бу савол қишлоқ аҳлининг юрагини тимдалар, ҳеч ким овоз чиқариб сўз айтишга журъат этолмас эди. Қариялар эса: «Тақдири азалдан қочиб қутулиб бўлмайди, бандасининг қўлидан нима ҳам келарди, шукур қилинглар», дейишарди.

Шўринг қурғур деҳқон оллоҳнинг марҳаматини тилаб, кунда беш маҳал ерга бош урарди-ю, эвазига беҳисоб кўнгилсизликларнинг гувоҳи бўларди.

Ҳа, мана, ўша гувоҳлар русса тўла кўзларини жавдиратиб, Гулбодомлар ҳовлиси томон одимламоқдалар. Олдинда Раҳмон тоға, ёнида ўғли Равшан борарди.

Равшан энди ўн етти ёшга қадам қўйган, соқол-мўйлови сабза ура бошлаган хушбичим йигит. Гулсанамнинг ўлими унга ҳаммадан кўра кўпроқ таъсир қилди. Эрталабдан буён отасининг ёнидан бир қадам пари жилмади. Ўликни чиқариш билан боғлиқ ҳамма ишларни саранжом-

лашда отасига қарашди, энди эса кўп қатори тобуткаш-ликка кетяпти.

— Шўрлик Гулбодом,— деди у ўзича,— позиккина қиз бунга дош бера олармикан?

Бу фикр Равшанга бир дақиқа ҳам типчлик бермас, Гулбодомнинг икки қўлидан маҳкам ушлаб, бисотидаги жамики илиқ сўзлар билан уни юпатгиси келар эди.

Шулар ҳақида ўйлаб бораркан, сўқмоқдан югуриб келаётган Ҳодиқул акани кўриб қотиб қолди. У оёқ яланг, дам-бадам қийиқчаси билан кўзларини артиб, ҳазин овсз билан: «Уйим куйдими-я? Уйимга ўт кетдими-я?» деб тел-баларча югурарди...

Равшаннинг юраги қаттиқ ура бошлади. Унинг ҳами-ша ўйчан кўзлари бир нуқтага қадалди. Қотил кимлигини билиш истаги ич-ичини кемирар, қалби нотинч, ҳар қадам-да содир бўлаётган жабр-ситамлarning сабабларини ўйлаб поёнига етмас, бу бахтиқаролик ўзи сингари оёқяланг-лар хонадонидан аримаётганидан боши ғувиллар, чигал-нинг учини тополмай қаттиқ изтироб чекар эди. Ҳодиқул-нинг ҳозирги аҳволи уни тамоман эсанкиратиб қўйди. Ҳаяжонланаётганини сездирмаслик учун муштумларини қаттиқ қисди, ўзини босиб олишга ҳаракат қилди. Йўқ, тобора ўт бўлиб ёнар, Гулбодомнинг онасини ўлдирган қотилнинг ёқасидан олиб, тупроққа қоришга шайланиб тургандай тишлари гижирларди. Бу ҳолатни сездириб қўймаслик учун секин чеккага чиқди. Бўри-девнинг ёнига бориб турди.

6

Бўри йигирма саккиз, ўттиз ёшлардаги қоматдор йи-ғит. Уни биринчи марта кўрган кишини ваҳм босиб, эти қунишади. Қоп-қора юзининг унг томони қўрда узоқроқ қолиб бужмайган шолғомга ўхшайди. Ганирганда оғзи-нинг чап томони қийшайиб, қулогига етай деб туради. Йўгон бўйинининг бир неча ерида қилич изи ялтирайди.

Бўрини ёшлигиданоқ амир сарбозлари олиб кетиб, арк-да айғоқчиликка ўргатишди. Йигирма беш ёшигача ай-ғоқчилик қилди. Айтишларинча, Амударё бўйида бўлган жанглардан бирида душман қўлига тушган. Қаттиқ қий-ноқлардан сўнг қочгану, аммо қайтиб аркка киргизилма-ган. У Бухоройи шариф кўчаларида ярим йилча тиланчи-лик қилиб юриб тирикчилик ўтказган. Иттифоқо, ҳамқиш-лоқларида бири кўриб қолиб ачинади-ю, уни Халачга олиб келади. Бўри қишлоқда ўзига тўқ оилаларнинг юму-

шини қилиб юрди. Етимлик дарбадарликлари, амир аркидан хўрланиб ҳайдалганини эслаганда ёниб, ўзини қўйишга жой тополмасди.

Бир-икки наша чекканда, аламларини унутгандай сархуш бўлиб юрди. Бора-бора наша чекмаса туролмайди-ган, ўзидан-ўзи хўрлиги келиб, кун бўйи бошини муштлари орасига олиб, бир ерда ўтирадиган бўлиб қолди. Бунга унинг нашавандлиги сабаб бўлди. Бир-икки қўр дарахт тагида чангак тўлиб қолганини кўрганлар, унинг важоҳатига қараб, «Бўри-дев» деб лақаб қўйишди. Шундан кейин болалар уни узоқдан кўрганда: «Бўри-дев ванг!» деб қочадиган бўлишди. Бўри буларнинг ҳаммасига кўниккан, айниқса, болалар калака қилиб қочишганда, қўл силтаб кулиб қўя қолар эди.

Бугун у нечундир одатидан ташқари безовта. Қора одамнинг рангида қон қолмаса, дарров билинаркан. Бамисоли мурда. Ёнида турган Зокирбойга алланарсаларни зўр бериб маъқуллар, гоҳо қўллари билан кўкрагига муштлаб қўяр эди. Бу икки кишининг бақамти туришининг ўзи одамлар диққатини жалб этмай қўймасди.

Зокирбой қирқ беш ёшлардаги дум-думалоқ, наканани киши. Бўйни билан елкаси тутшиб кетганидан, бунинг устига бошини эгиб юришидан узоқроқ кўрганда уни одам қиёфасига сира ўхшатиб бўлмасди. Айниқса, бирор нарса кўтариб келаётганида энди тетапоя бўлган айиқ болапи эслатарди. Буни болалар ҳам билишарди-ю, уни масхара қилишдан ҳайиқишар, узоқдан қораси кўринди дегунча, тўрт томонга тумтарақай бўлиб қочишар эди.

Зокирбой Бўри-девини чеккароққа олиб чиқди. Узоқ гапирди. Иккаласи ҳам ҳаяжонда эди. Равшан буни сездю, яқинроқ борди. Энди у Зокирбойнинг: «Бор, йўқол! Кўзимга кўринма, ношуд!» деган сўзларигача аниқ эшитди. Улар томон яна икки қадам қўйган эди, тобут кўтарилди.

Гулбодомнинг юракни эзувчи чинқириғини эшитган Равшан оёғи остидан ер узилгандай бир чайқалиб кетди. Дарҳол одамлар орасини ёриб ўтди-ю, тобутнинг бир ёғини олиб, елкасига қўйди.

УЧИНЧИ БОБ

1

Гулсанамнинг ўлиmidан кейин Равшан Гулбодомни ўн кунгача кўролмади. Аниқроғи, бу учрашувдан Равшаннинг ўзи ҳам ҳайиқарди. Гулбодом онадан ажралди. На-

қадар огир! Ахир у Гулбодомнинг бирдан-бир суянчиги, қайрилмас қаноти эди-ку!

Бу мусибат Гулбодомни ётқизиб қўймасмикан? Унинг жажжи юраги бу жудоликка чидай олармикан?

Равшан югуриб бориб, дарвозани очди, кўчага отилиб, Гулбодомлар эшиги олдида пайдо бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шу тонда у қизга ўзининг бутун меҳр чашмаларини очиб, «ўзингизни аҳтиёт қилинг, Гулбодом, юрагингизни чўктирманг», демоқчи эди. Қалбидаги қатқат илиқ сўзларининг ҳаммасини Гулбодомга тўкиб солиб, кўнглини шод этмоқчи бўлди. Бир нарсадан ҳадиксиратгандай орқага тисарилди.

Йўқ, йўқ, бу нима қилганим? Менга нима бўлди? Ҳодикўл аканинг қулоғига чалиниб қолса-я! Гулбодомнинг ўзи-чи? Ахир у ҳеч нарса билмайди-ку!

Равшан бу қарама-қарши фикрлар тўқнашувидан довлдираб, нима қилишини билмас, пинҳона бир дард ич-этини аёвсиз кемирад, Гулбодом билан боглиқ ҳар бир нарса қалбини ҳаяжонга солиб, зир титрад эди. Нечун? Ахир бунинг боиси нима?

Равшан ариқ бўйидаги тўнка устига омонатгина ўтирди. Бошини қўллари устига қўйиб, кўзини юмди. Юраги баттар ҳовлиқа бошлади. Ўрнидан турди. Бирпас у ёқдан-бу ёққа юриб кўрди. Йўқ, бўлмади. Кўзи олдидан қизнинг сурати нари кетмасди.

Равшан қаттиқ уҳ тортди. Ўпкаси тўлиб, ёш болалардай энтика-энтика нафас ола бошлади. Бутун борлиқ унга тикилиб қараётгандай, дарахтлар, ҳатто боягина ўзи ўтирган тўнка ҳам сиридан воқиф бўлаётгандай, Равшан бироз хижолат чекиб, ерга қаради. У энди Гулбодомсиз туролмаслигини бутун вужуди билан ҳис этди. Юрак унинг амрига эмас, у юрак амрига итоат этишга мажбур бўлиб қолган эди. Равшан ўша мафтун этувчи кўзлар, камондай қора қошларнинг асири бўлди.

Равшан Гулбодомлар эшиги олдида турган бузуқ аравага қараб қолди. Болалик йилларини хотирлади. Шу ариқ бўйида, арава соясида кўнинча иккаласи ўйнаб ўтирарди. Қачон хоҳласа уйдан чақирарди. Гулбодом ҳам кунда печа маргалаб уларнинг ҳовлиларига кириб чиқар, кун пайзага келганда улар йўлакда ўтириб олиб, лойдан ҳар хил нарсалар ясашар, уни офтобда қуритишар, ясаган буюмларини бир-бирларига кўз-кўз қилиб, яна ишга киришишар эди. Ўшанда Гулбодом саккизда, Равшан эса ўн икки ёшда эди. Йиллар уларни бир-бирларига яқинлаштириш ўрнига узоқлаштирди. Гулбодом ўн иккига кирган-

да, Гулсанам уни кучага ахён-ахёнда чиқарар, қизи бал ҳаяллаб қолса, дарҳол қидириб чиқар, сунгра қиз боланинг хулқи тўғрисида узоқ гапирарди-да, Гулбодомни олдига солиб олиб кетар эди. Мабодо, Гулсанам қизини койигудай бўлса, Равшан хафа бўлар: «Шундай яхши қизни ҳам уришадими?» — деб ачинар эди.

Равшан Гулбодом билан узоқ ўтириб ўйнаган сунгги учрашувини эслай бошлади.

Ҳа, наврўзи олам эди. Бу кун ёшу қари, ҳамма учун шодиёна, дилкушо кун эди. Катта таптана, байрам. Баҳорнинг дастлабки кунда сеҳрли табиат ҳам яшил либос кийиб, оламни гулга буркар эди. Бўғотлардап осилиб турадиган сумалаклар эриб, борлиқ этак-этак ёқут ёйиб ташлагандай лолага бурканган. Бу фаслда ошиқлар маъшуқаларига гул тутадилар. Фусункор наврўз тупида ёрига маҳлиё бўлиб ўтирган ошиқ унинг ой юзини гулга, атиру анбар анқиб турган сочларини сунбулга, рухсоридаги тер резаларини наврўз шабнамига қиёс қилиб лаззатланар, бошиқа бир ошиқ эса табиат гўзалликларига маҳлиё бўлиб, гул юзли ёрини унга ўхшатар эди.

Бу шодиёна кишилар қалбига шундай чеки йўқ қувонч берарди. Қишлоқ аҳлининг шодиёнаси эса юз чандон ортиқ бўларди, чунки йилнинг бу ҳаётбахш фаслида табиат қайта тириларди. Деҳқон учун экин-тикин фасли, фаровонлик уругини ерга ташлайдиган дам бошланарди. Шу боисдан қиш ичи бир кафтгина донидан ҳам ажралган заҳматкаш деҳқон эшикма-эшик юриб, бир-бирини муборакбод этар, ёшроқлари: «Наврўз келди, шодман, ҳам бандидан озодман», деб қўшиқ қўйлаб, хурсандлигини ифода-лар, одамларни дала-қирга — лалазорга чорлар эди.

Очликдан тинка-мадори қуриганлар ҳам бу шодмонликдан четда қолмас, печа ҳафталар дастурхон безашга ҳозирлик кўрар эди. Энг яхши либослар ҳам шу айёмга аталар, эрта тонгда шод-хуррамлик садолари еру кўкка сизмай, қишлоқни ларзага келтирар эди. Бу кун барча хонадонлар эшиги меҳмонлар учун очиқ. Мезбон қўлини кўксига қўйиб, ўткинчиларни наврўз билан муборакбод этар, бир пиёла чойга таклиф этиб, таъзим бажо келтирар эди. Шундай қилиб, катталар ўзи билан овора эди. Болалар бутун қишлоқни айланиб, ҳар ким янги кийимларини намойиш этди. Сунгра ўйин бошланди. Ўша кун уларни оналари сира безовта этишмади. Ойдин кечада мириқиб ўйнашди.

Аммо бу улуг айём Равшан учун кутилмаган кўнглисизлик билан тугади. Болалардан кимдир: «Келинлар,

хув анави бузуқ аравада хакаланг ўйнаймиз», деб қолди. Ҳамма ўша томонга чопди. Қиз бола, ўғил бола аралашига тенг икки тўдага бўлинди. Бир тўп бола араванинг кетига, бошқа тўп унинг бутун қолган бир шотисига тармашилди. Бу ўйин болаларга маъқул келиб қолди. Узоқ ўйнашди, ҳеч кимнинг аравадан тушгиси келмасди. Равшаннинг шоти устидан учиб ерга тушиб чинқириши ўйинни тўхта-тиб қўйди. Болалар унинг атрофини ўраб олишди. Равшан дард билан инграб ўрнидан тураётганда, Гулбодом унинг қўлини силаб пиқ-пиқ йиғларди. Ўшанда у ўсма қўйган тим қора қошлар остидаги жозибали кўзларга илк бор боқди. Қиз ҳам унга бир зум қаради-ю, ортиқ дош беролмай нигоҳини яширди. Йигитнинг юрагига бир парса қадалгандай жиз этди. Дард қийнаётгандай «ух» дея кўзини юмди.

Қизнинг жуда мулојимлик билан: «Оғрияптими?» деб берган саволи Равшаннинг баданларини жимирлатиб юборди. Болаларнинг кўни тарқаб кетди. Гулбодом Равшанни суяб, уйигача олиб кирди, сўнгра воқеани опасига йиғлаб тушунтириб берди.

— Йиғлама, оппоқ қизим, ҳозир табибга олиб борамиз, кўрмагандай бўп кетади, болам,— Гулбодомни юпатди Равшаннинг онаси.

Гулбодом эса тинмай унга савол берарди:

— Табиб узоқдами, хола? Боргунча Равшан акамнинг қўллари оғримайдими?

— Вой, қизгинамдан айланай, Равшан акамни шунақа яхши кўрасанми?

Гулбодом аввал бош ирғаб, бу гапни маъқуллади. Бирпасдан кейин эса чопқиллаганича кўчага чиқиб кетди.

Равшан қўл оғриғини ҳам унутаязиб, Гулбодомнинг кетидан майда ўрилган сочлари, келишган қадди-қоматига меҳр билан тикилиб қолди. Гулбодомни дам-бадам кўрмаса, унинг ширин сўзларини эшитмаса туролмаслигини биринчи бор ўшанда ҳис этди. Гулбодом ўн уч ёшда эди. У онасининг Гулбодомга айтган сўзларини эслади. Гулбодом бошда «ҳа», деди-ю, кейин ўзи уялиб, чопқиллаганча кўчага чиқиб кетди.

Равшаннинг лаблари беихтиёр шивирлайди: «Мен Гулбодомни яхши кўраман. Ҳа, уни жуда яхши кўраман, у қандай яхши, оқила, чиройли...»

Равшан ариқ бўйида анчагача қимир этмай ўтирди. У қалб амрига итоат этгиси, асри бўлган жоду кўзларига

тик боқиб, ҳамдардлик изҳор қилгиси келиб, ўрнидан турди. Бироқ икки қадам қўйиб, яна тўхтади.

Йўқ, ҳозир Гулбодомга учрамагани маъқул. Оғир дамларда инсон ёлғиз қолгиси, жимгина ўтириб, руҳий кечинмаларига эрк бергиси келади. Бундай кезларда унинг учун хотиралар дунёси бирдан-бир суҳбатдош. Бормагани маъқул...

Шом зулмати чуқди. Кўз жимираб, узоқроқдаги нарсани кўролмаб қолди. Кундузги шовқиндан асар қолмади. Қўй-қўзиларнинг маъраган овозлари ҳам тинди. Дарахт ортидан мўралаётган ой атрофга ғира-шира ёғду таратди. Равшан кўча чангитмаслик учун бир ҳатлаб сўқмоққа ўтиб олди. Ҳовлилари томон юрди. Дарвоза олдида тўхтади. Гулбодомлар эшигига маъюс тикилди.

Ўша ёқда кимдир гапираётгандай бўлди. Равшан девор тимирскилаб яқинроқ борди. Энди сўзловчини аниқ таниди. Зокирбой ёнидаги ҳамроҳига шивирларди:

— Э, қизиқ одам экансиз-ку, имом почча, мен сиздан панд-насихат тилаяпманми? Қизининг отасига кириб, гапни чўрт кесинг, масалани бир ёқлик қилинг, деяпман, уқтин-гизми?

Энди қишлоқ имомининг хириллаган овози эшитилди:

— Мен ҳалиги гапни Ҳодиқулга ачинганимдан айтаётганим йўқ, мулла Зокирбой. Менга деса бу таги паст авлод-аждоди билан қирилиб кетмайдими! Омади гап шуки, «Хотинимнинг йигирмаси ўтмасдан совчи бўлиб келдингми, бетафиқ?» деб менга таъна қилмасмикан, дейётганим эди-да, мулла Зокирбой. Тагин ўзингиз биласиз, иним, биз сояларида юрган бир художўй одаммиз, ҳи-ҳи-ҳи. Ахир сиз борсиз, биз бормиз-да, иним мулла Зокирбой!

— Бўлди, гапни калта қилинг, ҳозир хушомаднинг вақти эмас. Гап бундоқ...

Зокирбой атрофга аланглаб олди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, имомни енгидан ушлаб ўзига тортди.

— Кунни кеча амир одамлари келиб, яна деҳқонларнинг боқимонда қарзларини қистади, дейсиз. Аммо гап сизнинг устингизда борганда Зокирбой анча валломатлик қилипти: «Э, қўйинглар, у шўринг қурғурга ҳозир тегмайлик. Тунов кунни хотинини пичоқлаб кетишибти. Қаддини сал ростлагандан кейин гапиришармиз», деганмиш азамат, дейсиз.

Имом луқма ташлади:

— Ҳи-ҳи-ҳи, ақлнинг конисиз-да иним Зокирбой, худди амир одамлари келиб кетгандай қилиб гапирасиз-а, ҳи-ҳи-ҳи. Умрингиз узоқ бўлиб, бизларга ҳам шамолингиз

тегиб турсия-да. Зокирбой, хўп ажиб ақлингиз бор-да, иним мулла Зокирбой, ҳи-ҳи-ҳи...

— Сизга айтяпман, хушомаднинг вақти эмас, деб. Тагин луқма ташлайсиз-а!

Зокирбой бир нарсасини йўқотиб қўйгандай, афтини буриштириб, кейин юзига ясама кулги югуртирди.

— Ўликдан ҳам ундириб ўрганган одамсиз-да, пулни кўрсатмагунча ўзингизни овсарликка соласиз,— деб ёпини ковлай бошлади.

— Ҳи-ҳи-ҳи, айтдим-ку, иним мулла Зокирбой, ажиб ақлингиз бор-да,— дея имом оқсоқолга яқинроқ келиб, унинг ҳамёнига энгашди.— Мен сизга айтсам, Зокирбой иним, бу пул тушмагур бўлмаса, одам илло-билло гапдан ҳам адашиб қолади!

Зокирбой ҳамёнидан чиққан червонларни буклаб, саласипинг қатига тикиб қўйгач, имом бир оз тинчиди.

— Ҳаммаси кўнглингиздай бўлади, мулла Зокирбой, хизматингизга бел боғлагач, жуда бўлмаса бошқа йўллари ҳам қидирамиз-да, иним,— деди имом ва чўққи соқолини ликиллашиб, суҳбатдошининг елкасига қоқиб қўйди.

Зокирбой бунга эътибор бермай, жиддий оҳангда:

— Мен кетдим, тагин Бўри-дегдай ишнинг пачавасини чиқарманг, имом почча!— деб киноя билан имомга бир қаради-ю, дарвоза ёнидаги сўқмоққа бурилди.

Равшан турган ерида қотиб қолган эди. Масала аён. Бу кутилмаган ҳангома уни тамоман довдиратиб қўйган, азбаройи асабийлашганидан безгак тутаетган одамдай тишлари шақирлар, юраги гушиллаб ураётганигача аниқ эшитилар эди.

Равшан имомга ташланмоқчи бўлиб икки қадам қўйган эди, яна орқасига тисарилди. Йўқ, бу билан ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Хўш, нима қилиш керак, нима?

У қўлларини мунглаб, зарб билан дарвозаларини ура бошлади. Зум ўтмай, ичкаридан отасининг қўрқув аралаш: «Ким?» деган овозини эшитиб ўзига келди. Ҳаяжон ичида секин: «Мен!» деди-ю, ҳолсизланиб, ўнг қўлини дарвоза кесакисига тиради.

— Тинчликми, ўғлим? Амир одамларими, деб юрагим қинидан чиқаёзди. Қани, кирмайсаними, нима қилиб турибсан?

Равшаннинг қулогига гап кирмас, бутун вужуди қалтироқ ичида, боши ғувиллаб, атрофида содир бўлаётган воқеаларни ҳам унутаетган эди. Эшикдан кириб, энди икки қадам қўйган эди ҳамки, қўшни эшик тақиллади.

— Ҳодиқул, ҳой Ҳодиқул!

Ҳовли эгасининг овози эшитилди:

— Лаббай, тақсир, ҳозе-ер!.. Ассалому алейкум, қани, хуш кўрдик.

— Ваалейкум ассалом, Ҳодиқул. Тинчмисиз, ичим? Худонинг бандаларимиз, иним. Кўникишдан бошқа иложимиз йўқ. Ҳа, иним, китобларда зикр этилгани шу. Шукроияту шаккоклик қилмасликда хосият кўп, иним, ҳмм, баракалло. Иншоолло, пешанангизга ёзилганини кўрасиз, иним.

— Жабр бўлди-да, тақсир!— Ҳодиқул ерга қараб сўз бошлади.— Ёш кетди. Бу ёқда қизимиз ҳали оқ-қорани танимай, онадан ажраб, бўзлаб қолди.

Имом омади гапдан суюниб, луқма ташлади:

— Э, иним Ҳодиқул, қизингизнинг ташвиши сира бошингизни қотирмасин, ҳм-м. Қиз бола деган бировнинг ҳасми. Унга биз билан сизнинг ҳаддимиз йўқ, иним, ҳи-ҳи-ҳи. Шунақа. Ўстирасизу, икки қўллаб узатасиз. Мен сизга айтсам, қанча тез бўлса, шунча яхши. Ҳа, қиз бола-ни уйда сақлаб маломатга қолганларни кўп кўрганмиз, иним Ҳодиқул. Жойини топиб, дарров бўйингиздан соқит қилиб, эгасига топширинг.

— Йўғ-э, тақсир, кўзимизнинг оқу қораси, биттау битта суянчигим қизим бўлиб қолди-ю, шуниям олло-таоло кўн кўрса, сўққабош нима қилдим?

Ҳодиқул биров Гулбодомни худди шу заҳотиёқ олиб кетаётгандай ҳовлиқиб имомга мурожаат қилди.

Имом бу саҳройи, оми одам билан баланд-пастга бормасдан, муддаони очиқ айтиб, оқсоқол айтгандай чўрт кесмоқчи бўлди. Ҳодиқулни яқинроқ ўтиришга ишора қилиб, ўзи дераза томон бир қараб олди. Сўнгра шивирлаб, сирли оҳангда гап бошлади.

— Иним, Ҳодиқул, замон нобоп. Кўни кеча амир одамлари боқимонда қарзларни йиғишга келишди. Тепасида эдим ҳамма гапнинг, ҳа, сиз эшитиб қулоқларингизга ишонмайсиз. Хўш, нима бўлди денг?

Ҳодиқул имом унга номаълум катта бир сирни очаётгандай ағрайиб қулоқ солиб турарди. Имом шу оҳангда сўзини давом эттирди:

— Ҳозир қарздорларни топиб, мана шу майдонга олиб чиқасан, деб қолса, оқсоқолимиз Зокирбойдай одам зир титради. «Тақсирим, тақсирим», дейди-ю, тили гапга айланмайди. Ҳаш-паш демай, амир одамларидан бири қў-

лидаги қоғозни шалдиратиб очди. Шўрингиз аримаганини қарангки, биринчи бўлиб сизнинг номингизни айтса бўладими!

Ҳодиқул сесканиб тушди.

— Йўғ-э, тақсир, менинг боқимондам арзигулик эмас эди-ку.

Ҳодиқул имомга шубҳа билан ер остидан қараб қолди.

— Ана, ишопмайсиз-да! Қўрганни эшитган епигбди, дегани шу-да! Мени енгмоқчи бўласиз, иним Ҳодиқул, уят эмасми?

— Ахир, ўтган йилги қарзимдан узилган эдим-да, имом почча,— деди Ҳодиқул хаста овозда ва ёрдам қўлини чўзгандай имомга диққат билан тикилиб қолди.

Имом шошилмай давом этди:

— «Олиб чиқ!»— деб ўдагайлади Зокирбойга ҳалиги киши. Зокирбой бир оз ўзига келиб: «Заифаси қазо қилган, тақсир, келаси сафар келгунигизча ундириб қўяман албатта», деб қўрқа-ниса қўл қовуштириб турди. Йўқ, ҳалиги одам бўш келмади. Зокирбой ноилож менга қараб имлади. Аркони давлатлар олдида қишлоқ томон югурдим, ўзимни бир дарахт панасига олиб турдим. Бирпас ўтгач, бордим. «Чўлга иш билан кетган экан, тақсир», дедим. «Ёлғон», деб ҳалиги киши ёқамни жуфтлаган эди, «Ёлғон бўлса, каломулло урсин», деб юборибман қўрққанимдан.— Имом айёрона кўз қисиб:— Бунақа вақтда унчамунча ёлғонни аралаштирсанг, худонинг ўзи кечиради. Ҳа, даргоҳи кенг оллоҳнинг,— деб қўли билан Ҳодиқулнинг елкасига ниқтаб қўйди.

Ҳодиқул азбаройи ноқулай вазиятга тушганидан, болаларингизнинг роҳатини кўринг, имом яхши кунларингизда қайтарай,— деб турган эди, имом унинг сўзини бўлди:

— Ажаб содда одамсизми, иним. Мен ўзимни айтаётганим йўқ. Зокирбойни айтяпман. Ўшанга раҳмат денг. Мунча сизга меҳри товланган экан-а, деб ёқамни ушлабман...

Гулбодом дастурхон, чоғроқ чойнакда чой кўтариб келиб, эшикни қиялаб турди. Қизини кўрган Ҳодиқул:

— Келавер, қизим, имом поччангдан қочасанми, келавер, келавер,— деб Гулбодомга далда берди.

Гулбодом тортиниб-қимтаниб дадасининг олдига келиб, дастурхонни узатди, чойнакни ерга қўйди-ю, энди қаддини ростлаган эди, бошидаги қийяқчаси сирғалиб тушди. Имом почча унинг чаросдай тим қора, охуникидай чарақлаб турган катта-катта кўзларини кўриб, ўтирган ерида қотиб қолди.

— Қани, тақсир, нонга қаранг,— Ҳодиқулнинг дастурхонга ундашини ҳам эшитмай, Гулбодом чиқиб кетган эшикка тикилиб қолди. Сўнгра:

— Бай, бай, иним, амиралмўъмининга ҳадя қилгудек қизингиз бор экан, бахтингизнинг кулгани шу-да,— деб асл муддаога ўтди,— Зокирбойнинг ҳам кўзлари ер остидагини кўради-да.

Уй эгаси бу томдан тараша тушгандай гапдан сесканиб, таажжубланди.

— Ҳазилингизни қўйинг-э, имом почча!

Имом энди очиқ гапирди.

— Ҳазил борми, иним? Ишқ деган ёмон дард бўлади. Ёшу қарини гирибонидан ғиппа бўғиб олгач, қийин. Зокирбойнинг ишқи қизингизга тушибди, шукур қилмайсизми? Бадавлат, кимсан, қишлоқ оқсоқолига қайната бўлсангиз ёмонми? Қолган умрингизни ҳузур-ҳаловатда ўтказмайсизми?

— Ахир у кишининг учта хотинлари бор, ёшлари ҳам...

— Нима қипти учта хотинлари бўлса,— гапни бўлди имом.— Шариатда тўрттагача йўл очиқ, ҳа, инонинг, иним. Ёшлари масаласига келсак, мен сизга айтсам, иним, йиғит ёши қирқдан бошланади. Қирққа кирганда қирчиллама бўларкан киши. Қани, қўлингизни кўтариб оқ фотиҳа беринг, иншоолло, ёмон бўлмайди. Қани, нега безрайиб турибсиз, кўтаринг қўлингизни!

Ҳодиқулнинг ранги қув ўчиб, сукутга кетган эди.

— Сизга айтяман, бахт қуши бошингизга қўниб турганда, уни ўз қўлингиз билан учириб, қизингизнинг умрига завола бўлманг! Қани, қўл очинг!..

Энди Ҳодиқул ҳеч нарсани эшитмас, бу почор ҳолдан қутулиш йўлини излар эди. Аммо рақиб аста-секин ҳужумга ўтиб, Ҳодиқулга огиз очирмай қўйди. Ҳодиқул имомга қараб ётиги билан сўзлай бошлади.

— Имом почча, ҳаммамизга оқ-қорани тапитадиган яккаю ягона хатли одамсиз. Менга раҳм қилинг, бориб оқсоқолимизга мен учун узр айтинг, худо мартабанингизни бундан ҳам зиёда қилсин, имом почча. Ёлворамаи, мени хонавайрон қилманг, ахир ҳали заифамнинг йиғирмаси ҳам ўтгани йўғ-а, имом почча! Эл-юрт нима дейди?

— Э, омон бўлинг, шундай демайсизми? Беш-олти кун сабр қилсинлар, деб айтмайсизми? Бунинг йўриги бўлак.

Ҳодиқул ҳаяжонлана бошлади. Энди унинг тоқати тоқ бўлиб, очиқ эътироз билдирди.

— Йўқ, имом почча, бўлмайди. Гулдай қизимнинг ёш умрини хазон қилмайман,— деди кескин.

Имом бошда Ҳодиқулни яна ганга солиш режасини ўйлаб қўйган эди. Авзойи бузилаётганини кўриб, энди банд келди.

— Менга қаранг, ҳў ука, беандишалик қилманг. Ким билан ўйнашаётганингизни ўйланг. Зокирбой ушлаган ерини кесадиган одам. Ҳа, ўйлаб кўринг!

Ҳодиқул энди лом-мим деёлмай кимдандир мадад кутаётгандай ташқарига кўз тикиб, индамай қолди.

Имом ўрнидан турди. Хайрлашиш ўрнига Ҳодиқулга ўдағайлади.

— Ношукур банда экансиз, қараб туринг...— имом шундай деди-ю, чиқиб кетди.

Ҳодиқул бу кутилмаган воқеадан гангиб, нима қиларини билмай узоқ вақтгача ўй сурди. Шу топда у бўрилар галасидан сурувини сақлаб қолиш чорасини тополмай, довдираб қолган чўпонга ўхшарди. Кимга дод этсин? Унинг арз-додини тинглаб, ким жонига ора киради?

Ўрнидан турди. Пойгаҳда қўрқув билан жавдираб турган қизининг бошини силаб:

— Мен ҳозир келаман, қизим, жойимни солиб қўй, хўнми?— дея дарвоза томон юрди.

4

Им қоронғи ҳовлининг бурчагидаги пастаккича уйчада тош чироқ хира ёғду сочиб милтиллаб турибди. Унинг ўртасида бўйрага тўшалган чурук кўрпача устида ёши элликларга бориб қолган, уйқусизликдан кўзлари киртайган, эти устихонига ёпишган бир аёл чарх йнгириб ўтирарди. Қўлларидаги бўртиб турган кўм-кўк йўғон томирларни қоронғида ҳам ажратиб олиш қийин эмас. Оқарган сочининг учи пилик билан ҳимариб қўйилган. Аёл баъзида калта-калта йўталиб, сира тинмай чархини айлантирар, тапда ўзилиб қолгундай, бўлса, қоронғи уйда уни минг бир азоб билан улаб, яна ишга киришар эди.

Шу уйнинг ёнгинасидаги айвончада Раҳмон тоға узун болишга суяниб, алланарсани ўйлапти. Ёнида ўтирган Равшанининг хаёли ҳамон имом билан Зокирбой ўртасида бўлиб ўтган суҳбат билан банд. У Гулсапам холаси дафн этилаётган кунни Бўри-дев билан Зокирбой орасида ўтган гапини хотирлади. Юраги шув этди-ю, чуқур уҳ тортиб қўйди.

Ўзининг шомдан буён бу ҳолга тушиб қолганидан гаажжубланиб ўтирган Раҳмон тоға қулай фурсатдан

фойдаланиб, гап олмоқчи бўлди. Энди оғиз жуфтлаган эди, Ҳодиқулнинг овози эшитилди:

— Раҳмон тоға, ҳой, Раҳмон тоға!

Раҳмон тоға шошилиб:

— Ўғлим, тез дарвозани оч-чи, Ҳодиқул-ку! Э худо, ўзинг паноҳингда асра, тинчликмика? — деди-ю, ўнг қўлини оғзига тутиб. — Ҳозир! — деди.

Равшан воқеадан қисман хабардор бўлганидан Ҳодиқул аканинг келиш сабабини пайқади. Аммо у ҳам тафсилотини тезроқ эшитишга ошиқиб, дарвоза томон ўқдай учиб борди.

— Келинг, Ҳодиқул, келинг, қани, бу ёққа, — Раҳмон тоға меҳмонни тўрга чиқариб, Равшанни чақирди-ю, чой олиб келишни буюриб, сўзини давом эттирди: — Бақувватгина бормисиз? Гулбодом қийналмаяптими, шўрлик, пешанага ёзилгани шу экан-да!

Чой кўтариб келган Равшан уларнинг суҳбатини бир зумгина бўлди. Индамай чойнакни дадасининг олдига қўйиб, уйчага кириб кетди.

Равшанга тикилиб қолган Ҳодиқул эшикни тақ этиб ёпилганини эшитиб, хотиржам бўлгач, тўлиб турган ўпкасици зўрға босиб, Раҳмон тоғага имом билан бўлган учрашувни бир бошдан гапириб берди. Ниҳоят:

— Бу замонда одам кимга додини айтишини ҳам билмай қолди, Раҳмон тоға, — деб оғир хўрсинди. Бирпас туриб қўлини муштлади. — Шайтон, ҳозир бориб Зокирбойни ҳам, ўша имомини ҳам нимталаб ташла, деб турибди-я!

Қизиққон Ҳодиқул сал парсага жигибийрон чиқиб ёнар, ранги оқариб, қўлини муштлаб, рақиб томон хезланишга тиришар эди. Раҳматлик Гулсанам эрининг бу феълини яхши биларди. Авзойи бузилган пайтда Гулбодомни етаклаб секин чиқиб кетарди. Кўпинча бирор нарсадан фиғони чиққан Ҳодиқул Раҳмон тоға олдига чиқар, увоқ ўтириб, унинг маслаҳатларини тинглар эди.

Раҳмон тоға табиатап анча оғир одам. У дардга чалинган бемордай ҳаминча мажолсиз, гапирганда ҳам паст овозда сўзларди. Тadbиркорлигидан ёплигиданоқ ҳамқишлоқлари уни «тоға» деб аташарди. Кейинчалик «тоға» сўзини исмининг ёнига қўшиб, «Раҳмон тоға» деб чақирадиган бўлишди. Кўнчилиқ бошига бирор мушкул тушганда Раҳмон тоғага югуради. Раҳмон тоға дардини енгиллатадиган бирор йўл-йўриқ кўрсатмаса ҳам кўнглини кўтариб юнатар, таскин берар эди. Шу боисдан келгандар бир оз ҳовурларидан тушиб қайтишарди.

Ҳозиргина Ҳодиқулнинг тулқинланиб айтган сўзларини эътибор билан тинглаган Раҳмон тоға ўйга толди. Қишлоқ пешволари билан боғлиқ бўлган пизоли масалаларни ҳал этишга маслаҳат сураб келганларга очиқ бир нарсая дея олмас, уларни инсофга чақириндан бошқа йўл йўқдай туюларди назарида. Шунда у суҳбатдошига жавоб берин: ўрнига узоқ сукут сақлар, сўнгра секин: «Ишқилиб, худо инсоф берсин-да», деб хўрсиниб қўяр эди. Аммо бугун Ҳодиқул таскинлар билан тинчий олмади. У Раҳмон тоға билан узоқ суҳбатлашди.

— Гулбодомни ўзимиз қатори бирор бева-бечоранинг мўмин ўғлига узатиб юборсак, нима бўларкин, Раҳмон тоға?— деб ёрилди пиҳоят.

Тоға Ҳодиқулнинг нимага шама қилаётганини сезди-ю, қишлоқ оқсоқолидан қўрққанидан «Қайдам?» деб, яна сукутга кетди.

Равшанининг тақдирини ўйларди. Зокирбой уни сор қўярмикан? Қишлоғидан қувғин бўлиб, бир умр дарбадар юрса-чи?

Ҳодиқул унинг нималар ҳақида ўйлаётганини яхши билар, шу вайдан ортиқ қистамасдан, хаёлан Гулбодомни қутқариб қолишнинг йўлини ахтарар эди. Аммо фикрлари чувалашиб, яна Равшанга келиб тақаларди-ю, бошқа бирор тадбир ўйлашга жуфъат этолмасди.

— Раҳмон тоға, бола бечорани жувонмарг қилмайлик, икки ёш пешонасидагини кўрар...

Раҳмон тоға учун бошқа йўл қолмаган эди. Равшанининг ҳам айни уйланадиган пайти. Бир ёқдан аллакимлар олдидан тизза қалтиратиб, ўттиз йиллик қадрдони, ёп қўшнисини хафа қилиш инсофдан бўлмас, дегап апдиша билан Ҳодиқулга қаради:

— Майли-ю, Ҳодиқул, аммо бола бечораларни қийнаб қўйишармикан, дейман-да.

— Зокирбой қўлида бир умр қийналгандан кўра қизим шўрликнинг беш-ўн кунгина ёруғ дупёни кўргани афзал эмасми? Ахир Гулбодом ўз қизингиздай бола-ку?

Раҳмон тоға бош силкиди:

— Ҳақ гап, Ҳодиқул, майли, пешонасида ёзилгани шу бўлса, кузгача сабр қилайлик, дон-дунларни йиғиб, маъракасини ўтказиб олайлик бўлмаса.

Ҳодиқул эътироз билдирди:

— Ахир кузгача Зокирбойлар қараб турармикан? Ноинсоф бой бутун ювиндихўрларини оёққа тургазиб, ишни бир ёқлик қилиб қўймасмикан, дейман?

— Иншоолло, ундай бўлмас,— деб салмоқлаб сўз бош-

лади яна тога.— Куз ҳам келиб қолди. Саратон тугай деб турибди. Сабр даркор, Ҳодиқул иним, егулик нонимиз йўқ, тўрт кишини йиғиб, никоҳ ўқитишга ҳам бир товоқ ош даркорми, ахир?

Ҳодиқул Раҳмон тоғанинг бу эътирози олдиди ҳеч нарса дейлмади. У жон аччиғида Гулбодомни элга билдирмасданоқ Равшанга никоҳлаб беришга тайёр эди-ю, аммо Раҳмон тоғанинг сўзлари уни ҳам ўйлантириб қўйди.

Ҳодиқул уэр сўраб ўриндан турди. Хайрлашди. Равшан унинг кетидан дарвозани ёнди. Қалбида шодлик шу қадар тўлиб-тошаётгандай туюларди. Дарвоза олдидаги хариға ўтирди. Онасининг олдиди ўтириб, дадаси билан Ҳодиқул ака ўртасидаги суҳбатни эшитган эди. У қулоқларига ишонмас, яна бир неча ҳафтадан кейин Гулбодом унинг яқин кишини бўлишини кўз олдига келтирганда, томирларидаги қон тошиб кетаётгандай этлари жимирлашди. Гулбодомни кўз олдига келтира бошлади. Хаяжон ичида бутун қишлоқ кўз олдига келиб, бахт билан мубо-ракбод этаётгандай бўлди.

Равшан ўриндан турди. Кимнингдир саҳархез хўрози усиз тонг отмайдигандай овозининг борица уст-устига қичқирди. Ой дарахт ортидан Равшанга шуъла сочиб турибди. Равшан сунага солинган ўринга бир қаради-ю, дарвоза томон юрди. Ёр васлига ташна қалб уни дала-қирга етаклади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

1

Кейинги уч-тўрт кундан буён Равшан ўзини афсонавий Боғи Эрамда ҳис этиб ширии туйгулар оғушида маст юрарди. Унинг кўзига ҳамма нарса гўзал кўринар, ариқларда шилдираб оқаётган сув ҳам гўё Равшанга сирли эртак сўйлаётгандек беихтиёр узоқ туриб диққат билан тинглар, сўнгра завқ билан юз-қўлини ювиб, яна дала томон чопар эди.

У ўзида содир бўлаётган бу ўзгаришларнинг сирини энди тушуниб етган, Гулбодомни ўйлаётганида юрак уриши тезлашиб, бўғин-бўғинларигача бўшаниб, баданидан чумоли юргандай жимирилаб кетинини тобора кўпроқ ҳис қила бошлаган эди. Равшан ўз ҳаётини Гулбодомсиз тасаввур этолмас, у ҳаммадан ҳам оқилароқ, гўзалроқ, меҳрибонроқ туюлар, шунда қизга бўлган меҳри яна ортиб, висол соатларини орзиқиб кутар эди. Бундай пайтларда у

кўчага чиқарди. Гулбодомлар эшиги олдида икки-уч бор ўтиб, баъзан қия очиқ қолган дарвозадан гуллар чамапига ҳаяжон билан узоқ тикилар, биров кўриб қолмасин, деб ҳар замон атрофига ҳам алапглар эди.

Шундай қилиб, ҳар бир кун Равшан учун йилдай оғир кечарди. У далага чиқиб, бир парча жойдаги арпа билан буғдойни меҳр билан парваришлар, бу билан кузни яқинлаштираётгандай бўлар эди.

Гулбодомни кўриш Равшан учун муаммо бўлиб қолди. Ҳодиқул билан Раҳмон тоға бир-бирлари билан эски қадрдон бўлганларидан уларнинг борди-келдида ортиқча такаллуф йўқ эди. Бироқ онаси воқеадан хабардор бўлгач, Равшанга Гулбодомга кўринмай юришни таъкидлади. Бу Равшанни раижитса, тўй яқинлашаётгани қувонтирар эди. Лекин барибир Равшан Гулбодомни уч-тўрт кун кўрмаса ўзини қўйинига жой тополмасди, юраги сиқилиб, қиз сурати кўз олдида нари кетмайдиган, унинг кулиб туриб айтидиган сўзлари қулоғи остида жаранглаб эшитиладиган бўлиб қолди.

Бу ёлғизликни Равшан Гулбодомни кўришдан маҳрум этилган дастлабки кундапоқ яққол сеза бошлади. У энди Гулбодомни кўришнинггина эмас, бирор баҳона билан улариникига чиқадиган кунларни ҳам сабрсизлик билан кутадиган бўлиб қолди. Бирор баҳона билан машуқаси юрган ҳовли саҳнини кўриш ҳам унга олам-олам севинч бахш этарди. Гулбодомни ақалли узоқдан бир кўриниш-тиёқи эса унга тинчлик бермай қўйди. Равшан қулай фурсат кутарди. Ниҳоят, шундай кун ҳам келди.

2

Орта куз. Тўсатдан кунботардан эса бошлаган шамол қинилоқ аҳлини саросимага солиб қўйди. Биров: «Қора совуқ бўлармиш», деса, бошқаси: «Қор тушмай қўймайдиёв», деб ҳар ким ўзича бир таъбир айтарди. Деҳқоннинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Бу ваҳима гаплар Ҳодиқулни ҳаммадан кўпроқ ўйлантириб қўйди. У гулга ўч эди. Гулларнинг шаҳарда йўқ навлари ҳам унинг қулида парвариш топиб, ҳаммани ҳайратга соларди. Қора совуқ овозаси Ҳодиқулни ташвишга солиб қўйганининг боиси ҳам шунда. У ҳовлисидаги гулларини қирқиб, кўминни керак.

Табиатнинг бу нижиқлиги Равшаннинг диққатини оширарди. Тўй қинга сурилди. Бутун куч бой отанинг даладаги ҳосилни йиғиб олиб, омборга жойлашга берилди. Сафарбойнинг ўзи хирмон бошидан жилмай қолди.

Ана шундай аёзли кунларнинг бирида Ҳодиқул Равшанларни ҳашарга чақирди. Равшан узоқ ўйлади, Гулбодом билан учрашса, айтадиган гапларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Сўнгра ширин ҳис-туйғулар аллалагандай кўзи уйқуга кетди.

Тош қоронғисиди турди. Кўчага чиқди. Ариқ бўйига бориб, сувнинг бир оҳангда шилдираётганини завқ билан тинглаб турди. Юз-қўлини ювиб, қийиқчаси билан артди. Гулбодомлар дарвозаси томон қаради. Берк. Яқинроқ бориб, қулоқ солди. Ҳали туришмабди. Қайтиб уйига келди. Дадаси ноп ушатапти. Дастурхон четига чўккалади. Онаси олиб келган чойни дадаси билан баҳам кўришгач, ўринларидан туришди.

Кун энди уч берган. Сайроқи қушларнинг дилни қитиқловчи яллеси Равшанни завқлантириб юборди. У узоқ йили ўзи ўтказган қора олхўри тагида туриб, қушлар нағмасига бирпас қулоқ солди. Нариги дарахтга бир жуфт мусича қўнди. Тумшуклари билан бир-бирларининг патларини титкилашиб, ўйнашишди, сўнгра одатдагидай сайраб, яна баравар пирр этиб учиб кетишди. Равшан Гулбодом икковлари худди шу қушлардек эркин бўлишларини истади. Завқ билан уларнинг овозига тақлид қилиб, «Мусо қўй келтирур, Мусо қўй келтирур», деб кукулаётганида орқасида кулиб турган онасини кўриб, чонқиллаганича кўчага чиқиб кетди.

3

Гулбодомлар ҳовлиси бугун унга тамоман бошқача кўриниб кетди. У ҳар бир нарсани сипчковлик билан кўздан кечирарди. Бу ердаги ҳар бир нарса унга Гулбодомни эслатарди. Маана, у гуллар чамани олдида турибди. Улар қўёсининг эрталабки ҳароратсиз нурида жимирлаб, кўзни қувиштиради. Бир чеккадаги одатдагидан анча катта, садарийҳондай қулф уриб ўсган бир туп гул диққатини ўзига жалб этди. Бир тунда ўн бир хил гул. Равшан яқинроқ борди. Нимкесадай келадиган ҳар бир гул яна бир неча раунда товланарди. Бу гулнинг олдида анчагача кетолмади. Гул ўзига чорлар, анқиб турган ажиб бир ҳид дилни хушнуд этарди.

Ҳодиқул ака чақирди. У чорбоғ эшигидан ўтиб, супага иқинлашди.

Раҳмон тоға анжирлар тагини очаётган эди. Ҳодиқул Равшанга ҳам иш топишиб, ўзи Сафарбойникига кетди. Гулларни тушдан кейин қирқадиган бўлди.

У боғ бурчагидаги тоқларнинг атрофини чопди, кейин узун-узун ариқ очиб, уларни кўмди. У ўқтип-ўқтип чорбоғ эшиги томон қараб қўярди. Гулбодом кўринавермагач, ўйланиб қолди. «Сафарбойникида зарур бир иш бўлса керак, Ҳодиқул акани ҳам чақиртириб кетди-ку», деб ўзига таскин берди. Аммо лаҳза ўтмай яна беихтиёр эшик томон қарай бошлади.

Ҳодиқулнинг овозини эшитиб ота-бола суна томон қарашди. Ҳодиқул икки косада шўрва кўтариб келди. Овқатдан сўнг Равшан гулларни қирқадиған бўлди.

— Бирпасдан кейин Гулбодом ҳам сенга қарашади,— деди Ҳодиқул ва кетмонни елкасига ташлаб, боғ этагига кетди.

Равшан тоқ қайчисини олиб ҳовлига кирди. Энди иккинчи гулни қирқаётган эди, Гулбодомнинг ёқимли овозидан чўчиб тушди.

— Ассалому алайкум, қарашворайми?

— Келинг, келинг, Гулбодом, майли, тоқ қайчи берайми?

— Йўқ, мана, қайчим бор. Мен нариги бошдан қирқиб келаман.

— Майли.

Равшаннинг тилини гўё биров ип билан боғлаб қўйгандай сира гапиролмас, гуноҳкор одамдай ҳатто тик қарашга ҳам ботинолмасдан қиздан кўзини олиб қочарди. Юраги гурсиллаб ураётганидан тикроқ бир туп ёнида ўтириб, бир оз нафас ростлади. Йўқ, бўлмади. Тоқ қайчи ҳам унга итоат этгиси келмай, қалтирарди. Кўз олди жимиралишиб, томоғига бир парса тиқилгандай бўлди. Қапча ўтириб қолганини билмайди. Гулбодомнинг овозидан ўзига келди.

— Чарчаб қолдингизми, Равшан ака?

Бу овоз балад тоғ этагида айтилгандай, қулоғи остида яна уст-устига бир неча марта такрорлангандай бўлди. Ўзини бир оз босди.

— Йўқ, Гулбодомхон, ўзингиз ҳорманг!

Шу сўзларнигина айта олди. Назарида ёнгинасида тоғ қулади. Ўз овозини ҳам аранг эшитди. Юраги боягидан қаттиқроқ ура бошлади. Бошини кўтарган эди, қаршисида Гулбодом бўй-басти билан турарди.

Равшан дастлаб унинг катта-катта жозибадор қора кўзларини кўрди. Бу кўзлар бундан бир неча ой олдинги кўзлар эмас эди. Юрагини узиб олгудай бир жизиллатди-ю, аста ерга боқди. Қизнинг қўнғир сочлари, қирра бурни, ўзига ярашган жуда чиройли узун бўйни, ҳатто латиф лабиниң ўнг томонидаги тим қора холини ҳам шу кўни би-

ринчи марта аниқ кўрди. Оппоқ чехрасидаги қизиллик Гулбодомга алоҳида кўрк бағишларди. Лаби остида ҳамда чан кўзининг тагида яна бир печа кичик хол кўрди. Равшан оёғи остидаги бир туп гулга тикилиб қолди. Ўзини сал унглаб олиб, бошини кўтарган эди, чорбоғ эшигига кириб кетаётган Гулбодомнинг ҳилпираган бўз кўйлагининг этагинигина кўриб қолди. Қиз анчагача чиқмади.

Ўзори тунна бошлади. Равшан энди гулзордан чиқиб кетаётганда, Гулбодом кўринди. Ҳалиги садарайҳондай ўстирилган тунни қирқиб, шохидан бир дона гулни авайлаб уади-ю, хавотир билан атрофга алапглади. Ҳеч ким нуқлигига ишонч ҳосил қилгач, Равшанга яқинлашди. Қўлидаги гулни узатиб:

— Олинг, ўзим пайванд қилганман. Истасангиз пайвандлашни сизга ҳам ўргатаман, майлими? Хоҳлаган пайтингизда,— деб қўшиб қўйди.

Гулни олаётганда Равшаннинг қўли Гулбодомнинг узун-узун оппоқ бармоқларига тегиб кетди. Қиз бундан сескангандай Равшанга ер остида аллақандай бир назокат билан қараб:

— Энди ҳеч ҳам олдингизга чиқмайман,— деди-ю, бурилиб, ичкарига кириб кетди.

Равшан турган ерида анчагача жиллолмади. Гоҳ гулга, гоҳ Гулбодом кириб кетган эшикка тикиларди.

Равшан ўша ҳаётбахш тунни ширин ҳис-туйғулар оғушида бедор ўтказди. Бошини кўрпага буркаб, кўзини юмди, қани энди уйқу келса. Кўз олдида Гулбодом келаверадди. Оҳиста ўрнидан турди. Эшик зулфинини тушириб, ҳовлига чиқди. Сунада ўтириб, юлдузлар чаманига разм солди. Хув, ана, Зухро юлдузи. Нақадар жозибадор. Шўтласи кўз қамаштиради. Сокинликни қишлоқнинг бир чеккасидан эшитилаётган узук-юлуқ кулги овозлари бузиб турди...

4

Зокирбойнинг ичкари-ташқари ҳовлиси бугун гавжум. Шамол ўчирмасин, деб эллагинчи айланма чироқлар уйлариинг ҳовлига қараган очиқ эшиклари зулфинига осиб қўйилган. Дангиллама катта нақшин дарвозанинг икки танақаси ҳам очиқ. Бу азиз меҳмонлар келганини билдирарди. Қароллар ҳам алоҳида тавозе билан хизмат қилишлари керак.

Бугун азиз меҳмонлар келишини эрталабоқ Зокирбой орақ-аёл хизматкорларига тайинлаб, ичкари-ташқари ҳовлининг дарвозаларини ланг очиб қўйишни буюрган.

Намозгарда Зокирбой қаролларни яна бир марта чақириб, буйруқлари қандай бажарилганини алоҳида текширди. Қўнгли таскин топгандай бўлди. Сўнгра қишлоқнинг катта кучасидан уйигача борадиган йўлни супуриб-сидиртирди, қалин сув септириб, ўзи эшик олдида қўлларини белига тираб бирпас турди. Қишлоқдан чақирган меҳмонлари келиб, унинг ёнида саф тортишди. Қўн ўтмай бир тўп бола қий-чув кўтариб шаҳарлик меҳмонлар келаётганини айтиб, яна изига қайтди.

— Қани, юринглар, истиқболларига чиқайлик,— дея ёнидагиларни гузарга бошлади Зокирбой.

Ярим соатлардан сўнг бир отлиқ ва икки эшаклик қишлоқ йўлига бурилди. Уларнинг атрофида бояги болалар гоҳ саман отнинг устидаги духоба ёпиққа, гоҳ от устидаги тўладан келган кишининг зарбоф тўпига тикилиб, бир-бирларига аллапарсаларни тушунтиришарди. Эшакда келаётганлар болалар диққатини ортиқ ўзига жалб этолмади. Уларнинг ҳар иккиси қишлоқнинг ўзига тўқроқ кишилари киядиган тўнда эди. Буларнинг ҳам бошида оқ салла. Аммо буларники ялтирамасди.

Отлиқ киши истиқболига чиққан мезбонларни кўриб, эришчоқлик билан от жиловини тортиб «дрр», деб қўйди. Зокирбой узоқдан икки қўлни кўксига қўйиб, отнинг оёғи остига йиқилгудай эгилиб қўл узатди. Отлиқ у билан қўл учида кўринди-ю, қолган мезбонлар томон қараб, билинар-билинимас бош чайқаб қўйди. Зокирбойнинг:

— Қадамларига ҳасанот, хуш келибсиз, қани, қани, марҳамат, уйга,— деган таклифидан сўнг отлиқ «чуҳҳ» деб жиловини қўйиб юборди.

Катта дарвоза олдида турган қароллар меҳмонларнинг от, эшакларини ташқари ҳовлининг бир чеккасида алоҳида тайёрланган жойга олиб бориб боғлашди. Ҳамма таъзим қилиб турарди. Отлиқ киши ичкари ҳовлига ўтиб, мартабали меҳмонлар учун тайёрланган уйдан ўз ўрнини олгач, қолганлар ҳам гурр этиб унинг орқасидан ёпирилиб киришди. Бир печа киши ташқари ҳовлига чиқди.

Отлиқ меҳмон ўришланиб олгач, пойгаҳда қўл қовуштириб турган Зокирбой ўтирганларга кибр-ҳаво билан уни таништира бошлади:

— Бугун бизнинг фақир қишлоғимиз учун бағоят муборак кун бўлди. Олампапоҳ падари бузрукворимиз, етти иқлим амири Саид Олимхон ҳазрати олийларининг арк аъёнларидан бирлари, даҳамизнинг олиму оқил, фозилу доини Бузрукхўжа жаноблари муборак пойларини бизнинг хокисор қишлоғимизга қўйиб, уни табаррук этдилар.

Бошимизни етти осмондан ҳам сарафроз этиб, бу содиқ қулваччаларини йўқлаб келганларига ҳазорон бор раҳмат! Бош устига хуш келибсиз, эй азиз ва муътабар олий зот меҳмон!

Зокирбой бу узундан-узоқ ваъзини тугатиб, қойил қилдимми, дегандай ер остидан секин Бузрукхўжага, сўнгра ўтирганларга бир-бир разм солиб чиқди.

Бузрукхўжа шинагини бузмай, билинар-билинемас бош тебратиб, ёнидаги ҳамроҳларига бир нарса деб шивирлаган эди. Зокирбой яна дик этиб ўрнидан туриб:

— Тақсир, қулингиз хизматингизда, — деб таъзим билан қўл қовуштирди.

Бузрукхўжа мамнун қиёфада Зокирбойга маъноли қараб олгач:

— Қани, ўзлари ҳам ўтирсинлар, — деб қўйди.

Зокирбой ўзини бир қадар енгил ҳис этиб, меҳмонларини дастурхонга таклиф этди. Расмий тавозелардан сўнг чучвара тортилди. Андак-андак меъёридан бошланган шароб ҳаммани сармаст этиб, гангир-гушгур авжига мина бошлади. Бузрукхўжа энди бояги навозиниларни йиғиштириб қўйиб, ўтирганларни оғзига қаратиб тинмай ганирарди:

— Мен сизларга айтсам, амири оламшаноҳимизнинг камини камарбасталарига ихлоси олийлари ҳаддан зиёд, тақсирлар. Гарчандеки хос ҳазратларига тортиқ келтирганларни таништириш вазифасида эрсак ҳам, ҳар бир мушкулотларини ул моҳи жаҳон оройимиз биз қулваччаларининг манъваритисиз қилмайдилар.

Бузрукхўжа атрофига кибр билан бир қараб олди. Ҳамма ҳатто нафас олишдан ҳам қўрққандай диққат билан унга тикилиб ўтирарди. Бузрукхўжа уч-тўртта чучварани бамайлихотир оғзига ташлаб, сўзида давом этди:

— Бир кун Зокирбойга ўхшаш оқсоқол бир саноч қимматбаҳо буюмлар, яна бир хушрўй қиз билан мўйлови билан саба урган бачча тортиқ қилиб келиб, оёғимга бош урди. «Ёддаганимиз кетай, амиралмўъмининдан мен учун тилани, шу арзимас тортигимизни қабул айласунлар», деб менга тайёрлаган маҳсул совғаларини ҳам олдимга қўйди. Оламшаноҳимизга камини баҳузур ганиришимдан бўлса керак, ўша оқсоқол учун ҳокимлик даъво қилдим. Амири жаҳон оройимиз муборақ қўллари билан майли, деб ишора қилдилар. Ҳа, бундай ҳодисотлар бу бошимиздан кўп ўтиб туради, Зокирбой.

Зокирбой яна ўрнидан турди, таъзим бажо этди.

— Бу қулларининг ҳам бутун умид-орзулари ўзларидан, тақсири олам,— деб овозини аллақандай сунъий оҳангга солиб бош эгиб турган эди, Бузрукхўжа уйдагиларга қараб истар-истамас кулди:

— Оқсоқолларингиз ҳам бўш келмайдилар, ҳиммати ҳам баланд кўринур.

Зокирбой асил товоқларда ош олиб кирди.

Ош ейилгач, шаҳарлик меҳмонларгина қолишди. Зокирбой Бузрукхўжага яқинроқ ўтириб, салобати босгандай бир-икки томоқ қирган бўлиб, оҳиста сўз бошлади:

Энди бу камина қулларининг ҳам ўзларига андак арзи бор эди...

Зокирбой шундай деди-ю, ер остидан аввал Бузрукхўжанинг ҳамроҳларига, сўнгра унинг ўзига маъноли бир қараб олди. Бузрукхўжа ҳам бу қарашлардан мазмун ашгадди:

— Иншоолло, ўз одамларимиз, бемалол арзи ҳол айланг... Батъ азин бу икки биродаримиз орқали камина билан бемалол алоқада бўлурсиз. Қулоғим сизда.

Зокирбой у икки нотанишдан узр сўрагандай улар томон қараб бош эгиб, арзи ҳолга киришди:

— Тақсиримга аёнлари бўлсинким, аҳли қишлоқ кейинги ойларда тартиботдан бўйин товлашга мойиллик пайдо қилмоқда. Бу ҳол камина қулларини ва давлати олампапоҳимизнинг содиқ қўриқчисини кўп ташвишга солмай қўймайдилар, албатта. Инчунин, аҳволи тангни кўриб қараб туриш камина қулларининг одобидан ташқаридир.

Бузрукхўжа безовталаниб, Зокирбойга яқинроқ ўтирди ва «хўш-хўш», дея сўзини давом эттиришга ишора қилди. Зокирбой Бузрукхўжанинг диққатини жалб қила олганидан мамнун бўлиб, бир қадар очикроқ гапиришга журъат этди.

— Сафарбойнинг Ҳоднқул исмли қароли бор. Бу анча шубҳали кўринади, тақсирим. Сабаб, қўшниса Раҳмон тоға исмли фуқаромиз билан кўп мулоқотда бўладир ва бу яхшилиikka бормас, албатта.

— Хўш, хўш?— Бузрукхўжа унинг ёрдами талаб этилаётганини бир қадар фаҳмлаб:— Ундайларнинг танобини тортиб қўйиш ўзимизнинг қўлимизда, иншоолло, Зокирбой,— деди.

Зокирбой асл муддаога кўча қолди.

— Хуллас, тақсирим, шу Ҳодиқулнинг Гулбодом исмли бир қизи бўлиб...— Зокирбой бирпас жим туриб, сўнгра давом этди:— Энди... ҳи-ҳи-ҳи... ўзларидан қолар гап йўқ,

иниқ деган варса кўп безовта қиларкан. — Зокирбой қўл қовуштириб, яна ер остидан Бузрукхўжага қараб қолди.

— Э, гап бу ёкда, коса тагида нимкоса бор, эҳтиёт, деиш?— Зокирбойга қараб кулди Бузрукхўжа.

— Тақсирим, қуллари хизматларида.

— Хўш, одам қўймоқ даркор.

— Ҳамма гап шунда-да, ҳазратим! Чиқарган одами-мизани поумид қилиб, биздай қишлоқ пешволарини беобрў этди у офқиланг. Ҳа, ҳа, баайини шундай.

Бузрукхўжа икки тиззаси устига қўйилган болишга сўниб, кўзларини аста юмди, бирпас жим қолди. Бу амалдорининг бирор режа тузган чоқда шу ҳолга тушиб одатини яхши билган Зокирбой икки меҳмонга қараб мийиғида кулди, сўнгра Бузрукхўжага яқинроқ сурилиб, диққат билан тикилиб турди.

— Бўлмаса, сиз бошқа тadbир кўрасиз, Зокирбой.

— Хўш, хўш?

— Ўша маъшуқангизнинг ёнига яна бир бачча топиб, амир ҳазратларига тортиқ этасиз...

— Ахир, бу қуллари...— Зокирбой безовта бўлиб луқма ташлаган эди. Бузрукхўжа уни силтаб ташлади:

— Нодон экансиз-ку, ахир бердисини эшитмайсиэми?

— Тақсирим, беадабингизни афв этинг, қулогим сизда.

— Ҳа, баракалло, Зокирбой,— дея сўзини давом этди Бузрукхўжа.— Бир оғоч билан икки уйни тикланг, демоқ-чиман.

— Қандай қилиб, тақсирим?

— Ана энди қулоқ солинг. Бу тортиқ билан амиралмуъминининг дилларини хўш этиб, иншоолло, шояд мартабалигиз бундан ҳам зиёда бўлса, дейман. Хўш, бу бир бўлса, иккиламчиси, маъшуқангиз олампапоҳ қўлидан чиқиб, сизга табаррук бир тўтиёдай бўлур, иншоолло.

Бузрукхўжа шундай деди-ю, Зокирбойга қаради. Бу қарашдан маъно уқолмаган оқсоқол бақрайганча Бузрукхўжага тикилиб турарди.

— Саддасиз да, Зокирбой,— дея Бузрукхўжа суҳбатдошининг қулогини имлади. Зокирбой жон ҳолатда унга яқинланди. — Амиримизнинг даргоҳлари кенг, Зокирбой. Бир икки каниз ҳарамдан гойиб бўлиши ҳеч гап эмас.

Зокирбойнинг оғзи қулогига етиб, ҳузур қилиб кулди:

— Хўш, соҳиби тadbирсиз-да, тақсирим!

— Арк аъёнлари қаторига ҳар ким ҳам йўлиқтираве-рилмайди, Зокирбой,— деди Бузрукхўжа қаддини ростлаб. — Хўш, маъшуқангиз ҳарамдан қочиб, албатта уйига

келади. Ана энди бу ёғи сизнинг ихтиёрингизда. Йўлингизни тўсганини зиндонга ҳавола қилаверасиз. У ёқда биз ҳам жим турмасмиз, иншоолло. Қиз гойиб бўлган кўннинг эртасиданоқ ҳамма ёққа жар соламиз, зиндоннинг эшигини очиб қўямиз.

Бузрукхўжа «қалай», дегандай ҳамроҳларига, сўнгра Зокирбойга қаради. Боядан бери оғзига толқон солгандай жим ўтирган икки меҳмон ҳам хўжасидан изи теккан тозидай, бир-бирига қараб олгач, бараварига:

— Офарин, тақсирим, пири бадавлат бўлинг, сояи давлатларидан биз қулларини ҳам дариг тутманг асло,— деб яна жим бўлишди.

Зокирбой Гулбодом қўйнига солиб қўйилгандай енгил тортиб, эшикка чиқди ва ҳаялламай катта баркашда сарпо олиб кирди.

— Бу хамир учидан патир, ҳазратим, ҳи-ҳи-ҳи.

Зокирбой зарбоф тўнни Бузрукхўжанинг устига ёпди, нафис шоҳи саллани бошига қўндириб, иккинчи баркашда қанд-қурслар орасидаги бир халтача олтинни ҳам унга тутди. Сўнгра қарол олиб кирган иккинчи баркашдаги икки адрас тўнни Бузрукхўжанинг ҳамроҳларига кийдириб, муборакбод этгач, меҳмонларни ўрни солиб қўйилган супага тақлиф қилди.

Бузрукхўжа тонг қоронғисида қишлоқдан кета туриб Зокирбойга шивирлади:

— Амир одамларини кутмай ишнинг пачавасини чиқарманг, иншоолло, ўзим келишим ҳам эҳтимолдан холи эмас. Қўришгунча худо ёр бўлсин.

Зокирбой меҳмонларни Бухоро йўлигача кузатиб қўйди.

БЕШИНЧИ БОБ

1

Бухоро амирлигининг умри қисқалиги арк ичидаги ғалаёнларининг тобора зўрайиб бораётганидан ҳам аён бўлиб қолган эди. «Инқилоб бўлди», «Николай тахтдан тушибди», деган овозлар шаҳарда кўпайган сари, чуқаётган одам хасга ёпишиб, жон сақлашга урингандай, амирнинг аркони давлати ҳам саросимага тушиб қолди. Улар қурт-қумурсқадай эл ҳамёнига ёпирилди. Арзимаган баҳоналар билан меҳнат аҳлига жарималар солиш, солиқларни кўпайтириш, гуноҳсиз кишиларни зиндонга ташлашлар ҳаддан ошди.

Қишлоқ аҳлининг аҳволи айниқса хароб бўлди. Ша-

ҳарликлар асосан майда ҳунармандчилик, касибчилик билан кун кечириб, бир қисм аҳоли савдо ишлари билан тирикчилик ўтказарди. Амирлик хазинасини улардан олинадиган бож ва ўлпонлар билан тўлатиш амри маҳол эди. Бинобарин, амирликни таъминлаш асосан туманлардаги минглаб қашшоқ деҳқонлар гарданига тушарди. Сувсизлик, гармсел деҳқоннинг тинка-мадорини қуритиб, уни ярим оч, ярим яланғоч кун кечиришга маҳкум этган эди. Ниқилоб овозаси арк аъёнларини қутуртириб, хазинани тўлатишнинг сифатини қаттиққўллик билан олиб боришга ина бир туртки бўлди. Кунда, кунора бўлиб турадиган водотонлар йиғини асосан шу масалаларга қаратилган эди.

Бугунги йиғиннинг ишчилик чақирилиши ҳам жамки туманлардаги амлоқдорлар учун янгилик эмас эди. Унинг аркда эмас, таптаналар ўтказадиган Ситораи Моҳи хосада бўлаётгани кўпларни ўйлатиб қўйди. Шу вайдан ҳар ким алоҳида оройини билан белгиланган муддатдан анча олдин Ситораи Моҳи хоса дарвозаси олдида саф тортиб турарди.

Қўён нақшин дарвоза устидан ўзининг қизгини пурларини йиғиб, кукка бўй чўзган тераклар ортида баркашдай бўлиб туриб қолди. Дарвоза олдида турганлардан бири биодаги шеригига:

— Қўёнинг бу маҳалда қон қусиши хосиятсизлик аломати, дейишгувчи эди,— деб шивирлаб, мисдай яллиғланиб турган қўён айланасига ишора қилди.

— Амиралмуъминининг кунлари тугаб қолганидан ишона эмасмикан бу?— деб истеҳзо билан жилмайиб қўйди наст бўйли, жиккаккина киши.

Биодаги киши атрофга хавотирланиб бир қараб олгач, наст бўйли кишига шивирлади:

— Ўлгудай эҳтиётсиз одамсиз-да, мулла Абдурахмон. Тагин ўзингизнинг кунингиз тугаганидан ишона бўлма-син!

Ичкаридан чиққан удайчи кутиб турувчиларни таклиф этди.

Одамлар галаси нақшин дарвозадан ўтиб, ҳовлига кирди. Чап томонда ўн-ўн беш товус ҳашамдор патларини ёйиб турарди. Баланд ғиштин девор бутун ҳовлини тўсиб, юракни сиққудай қоронғи соя ташлаган. Кун тушмаганидан бу деворнинг таг синчлари захдан қорамтир тўста кирган. Саҳнга бир текисда кунгура билан терилган ғиштларгина бу ҳовлининг зодагонларга хослигини ифодаларди.

Одамлар оқими шу ҳовлидан ўтиб, катта дарвозага бурилди. Улар бирин-кетин катта богнинг кираверишидаги гиштин саҳили ҳовлига ўтиб ҳар ким мартабасига қараб ўриплашиб, қўл қовуштириб турди.

Узун айвонга солинган қимматбаҳо эрон гиламлари лов-лов ёниб товланар, асл матолардан қопланган кўрпачалар ҳам шу манзарага монанд танланган бўлиб, ҳовлига қандайдир салобат бахш этар эди. Ярим соатлар ўтар-ўтмас кимхоб тўп кийган саллалари киши чиқиб: «Амиралмўъминини ташриф буюрадилар», деб яна ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай аъёнлар киборларга хос навозиш билан бирин-кетин чиқиб айвондан ўрин олишди. Ҳамма барабар қўл қовуштириб таъзимга шайлангач, амир Олимхон чиқиб, ўз ўрнини эгаллади. У қуюқ қора қошлари остида ҳовлида турганларга разм солгач, юзини деярли қоплаб турган соқолини тутамлаб, чап томонга қаради. Шу заҳотиёқ:

— Қани, омин, амиралмўъминининг давлати ҳушоунлари кам бўлмасин, ғанимлари хокной бўлсин,— деган овоздан сўнг ҳамма қўлини фотиҳага кўтарди. «Омин!» деган овоздан сўнг бутун ҳовлига йиғилганлар ҳам «омин!» дея юзларига фотиҳа тортишди.

Амиралмўъминини кутиб олишнинг барча расм-русмлари бажо келтирилгач, амир ёнида ўтирган киши йиғилганларга қараб мурожаат қилди:

— Бугун тупроғимизда турли номақбул овозалар бўлиб турибди. Большавойлар Тошкентни босибди, Самарқанд инқилоб алангаси ичида ёнмоқда. Кофирлар мусулмонларга ҳужум бошлади, деган хабарлар биз арк аъёнларини кўп ташвишга солиб қўйди. Биз Бухоро фуқаросининг чин қўриқчиларимиз, уларни кофирларнинг ҳар қандай хуружларидан асрашимиз даркор. Шу вайдан амиралмўъминини валинеъмағимиз Саид Олимхон жаноб олийлари ташвишмандлар ва бу хавф-хатардан холи сақлашимизни истаб, ўз содиқ фуқаролари борасида кечаю кундуз азият чекмоқдалар.

Нотияқ амир Олимхон томон қараб бутун гавдаси билан бир оз эгилиб турди, сўнгра қаддини ростлаб, ҳукмрондан изн сўрагандай тикилиб қолди. Олимхон билинар-билимас бош чайқаб, қўли билан ишора қилди.

— Балою қазоларни даф этишимиз учун аввало хазинамизни зарга тўлдириш амури вожиб, зеро бизнинг олтинларимиз олдида ғанимларимиз тиззалари қалтираб, ер билан яксон бўлишига аминмиз. Бугун бу ерда йиғилган мартабали ноибларимиз бу ишга, ишшоолло, бош қў-

шурлар ва амиралмуъминининг истакларини бажо келтирурлар, деган умиддамиз. Зеро амиралмуъминин истаклари — олло таолонинг истагидир.

Нотиқ одамларга қараб қолган эди. Ундан-бундан: «Валинеъматимизнинг айтганларини биз қулваччалари сўзсиз бажарамиз!» — деган овозлар эшитилди. Нотиқ яна давом этди:

— Ҳар бир дақиқамиз таҳлика остида. Эртанги кулмизнинг қуёни қай томонга мўралашини билмаймиз. Бинобарин, бизнинг шу кунлардаги аҳволимизни қоронғи тундаги фонуссиз йўловчига қиёс этса бўлади. Минг қатла шукурким, парвардигоримнинг ўзи биз билан сизга рўйи замин ҳавас қилса арзигудек Саид Олимхон ҳазратларини бошимиз узра соябон этиб қўюбдир, бул зот минг бир балою офатларни осмонимиздан даф этиб турибдилар.

— Валинеъматимизнинг умрлари боқий, давлатлари абад бўлсин!

Арк аъёнлари орасидан мажлис аҳлига қилинган бу хитобдан нотиқ янада руҳланиб кетди.

— Валинеъматимизнинг давлат ҳумоюнлари зиёда бўлишини истаган ҳар бир бандани мўмин амиримизга сийғимоғи ҳам қарз, ҳам фарздир, бунга эътиқоди йўқ кимсаларни дор ва зипдон кутади.

Яна бояги ингичка овозли киши чийиллади:

— Амиримга эътиқодсиз бандани мўминларга ғазот, ғазот, ғазот!!!

— Балли,— дея илиб олди нотиқ.— Билъакс, ҳар биримизнинг хонадонимизни зулмат қоплагусидир. Унутмангларким, исломиянинг муқаддас пойтахти, қадамжо шаҳримизда макруҳ ниятли кимсалар кезиб юрибдир. «Ёш бухороликлар ниқоби бирлан динимизга, амирлигимизга» қарши бош кўтариш мақсадида сакбаччалар тўдаси атрофига одам йиғмоқда. Туманларимизга ҳам қўл чўзиб, саҳройиларни йўлдан оздирмоқда. Давлатимизга, болаю чақаларимизга, тинч рўзгоримизга човут солмоқчи бу бетавфиқлар, бу бединлар! Биз ўз тарафимиздан чораю тадбирлар белгиладик, ишмоолло. Ўшал бедин, бетавфиқлар тўдасига ўз одамларимизни киргиздик, улар кўз-қулоқ бўлиб турибдилар ва лекин биз ҳаммамиз ҳушёр бўлмоғимиз, бу динсизларни орадан кўтармоғимиз динимиз, имонимиз учун зарур.

— Ғазот!

— Ғазот!

— Ғазот, ғазот!

Бир йўла бир неча жойдап қилинган бу хитоб боғнинг нариги бурчагидан ҳам акс-садо бериб, ер-кўкни ларзага келтирди.

— Офарин, сизларга! Энди бу ёғини тинглангиз. Шу бугун кеч билан бу ердагилар туманларига жўнаб кетсинлар. Ғазот учун катта ҳамён ҳам даркор. Олтин ва кумуш йиғиш, ғалла жамғариш, гўшт-мойни кўпайтириш, хуллас, ана шундан кейингина катта юришга ҳозирлик кўрмоқ пиятимиз бор. Халойиқни оёққа тургазиш зарурлигини унутмангиз. Биз кофирларга қарши ғазот бошлаймиз. Динимизнинг поклиги учун жон олиб, жон берамиз. Одамлар мўру малахдай ёпирилиши лозим. Йўлимизга ғов бўлган ҳар бир кимсанинг кўзини очмоқ баайни вазифамиздир. Аста-секин қишлоқилар орасида ҳам норозиликлар кўпаяётганидан ғафлатда қолмангиз. Шаҳар билан қишлоқнинг бирлашуви ажал уруғи билан баробардир. Бинобарин, ҳушёр бўлинг, мусулмон пешволари, амиралмўминининг бутун умидлари сизлардан.

Ховлида яна овозлар янгради:

— Амиралмўминининг истакларини бажо келтирамиз!

Абдураҳмон шеригининг енгидан тортди:

— Қани, секин чиқайлик, вақт бўлди. Одамларимиз ҳам кутиб қолмасин, уларни бу гаплардан огоҳ этайлик. Сўнгра қишлоқларга чиқиб ҳар биримиз халойиққа амирликнинг бу ёвуз пиятини етказайлик.

Аввал Абдураҳмон, унинг кетидан шериги катта дарвоза олдида турган соқчилар ёнидан ўтиб, йўлга чиқиб олишди. Муюлишгача жим келган Абдураҳмон дарахт панасига ўтиб тўхтади ва шеригига уқтирди:

— Иккимизнинг бирга юришимиз хавфли. Айтган муддатимиздан кечикдик. Сиз ҳозироқ бориб одамларимизни тўхташиб турунг. Мен айрим хабарсиз қолган зарур одамларни бошлаб тезда етиб бораман. Қани, қимирланг.

2

Ҳабр-ситам ошган сари унга қарши норозилик тўлқинининг зўр куч кашф этиши табиий бир ҳолдир, зеро, элнинг сабр косаси тўлиб, курашга отланмоқ зарурлигига қатъий ишонч ҳосил қилади. Бу ишонч эса оёқда турғизади.

Шундай қилиб, Бухорода ҳам бир-бирига тамомила зид икки тўда ўртасида кескин кураш вужудга келди. Бу икки тўданинг муроса қилиши мумкин бўлмаганидай, улардан бирининг ёлиб чиқиши учун ҳам талай қурбон талаб этилиши ўз-ўзидан аён эди.

Инқилоб шуъласининг Самарқандга етиб келиши амирликни жиддий ташвишлантириб қўйган бўлса, меҳнат аҳлини ўз ҳаёти тўғрисида яна бир бор ўйлашга ундади, бу эса зулм ва адолатсизликка қарши оёққа туришга қатъий даъват бўлди. Турли кайфиятдаги кишилар сонин тобора кўнаё борди. Булардан бир тоифаси ҳали амирликдан умид узмаган бўлса-да, ундан ҳеч бир шахсий манфаат кўрмаганидан иккиланиб турса, бошқалари маъмул амирлик тартиботларига айрим ўзгариш, ислохотлар киритиш билан чекланиб қолиш зарурлигини далолатларидилар. Бир тўда кишилар инқилоб бўлиши муқаррарлигини идрок этадилару, унинг самаралари ҳақида муайян бир тушунчага эга бўлмаганликлари туфайли икки томонни ҳам қўлдан чиқармасликка интиладилар.

«Еш бухороликлар» жамияти ана шундай қарама-қаршиликлар кучайган бир пайтда ташкил топди ва шубҳасиз, унинг сафига ҳар хил тоифа ва тушунчадаги кишилар кирди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир йиғилиши қаттиқ тортинувлар, баҳсланувлар билан ўтар, баъзан жиддий низолар билан тугаб, бирор муайян мақсадга келишни ҳам мушкул бўлар эди. Жамият йиғилишларининг бўлиниб, ҳар ерда ўтказилиши ҳам шундай парокандаликка кўпроқ шароит яратиб берарди.

Бугунги йиғилиш фавқулодда чақирилганиданми ёки ҳамма аъзолар айтиб улгурилмаганиданми, ҳар ҳолда кўнлар кўринмасди. Шунга қарамай, лоақал шу йиғилишларнинг ўзини ҳам бир маслакдаги кишилар деб бўлмасди. Йиғилишни расмий равишда ҳеч ким очмаган бўлса ҳам қизгин мунозара давом этарди.

Абдурахмон ва унинг кетидан яна икки-уч киши хонага кириши билан ўтирганлар бир оз типчигандай бўлиниди. Ҳамманинг диққат-эътибори Абдурахмонларга қаратилди. У йиғилганларга бир-бир қараб олди-да, ўзига хос вазминлик билан сўзлай бошлади:

— Муҳтарам дўстлар, ҳозиргина Ситораи Моҳи хосада бутун туманларнинг амалдорлари иштирокида каттагина йиғин бўлиб ўтди. Амир ва унинг одамларини Самарқандда ҳам инқилоб бўлгани очиқдан-очиқ ташвишлантириб саросимага солиб қўйибди. Эндilikда амирлик таҳлика остида қолаётганини ўзлари очиқдан-очиқ эътироф этиб тап олмоқдалар. Аммо ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутиб, бутун халқни большевикларга қарши оёқлаштирмоқчилар, дин ниқоби остида газот ўтказиш режаларини айтдилар. Инқилобчиларга қарши кескин ҳужум бошланиши ўз-ўзидан аён, оғайнилар! Бир дақи-

қа ғұрсатни ҳам қўлдан бой берсак, ҳалокатимиз муқаррар. Шу кечасиёқ қишлоқларга чиқиб кетмоғимиз даркор. Бу ишни кечиктириб бўлмайди. Ҳозир қишлоқ аҳлини оёқлантиришнинг айна пайти.

Бурчакда ўтирган муллонамо киши луқма ташлади:

— Бизнинг вазиғамиз одамларни амиратга қарши оёққа тургазиш эмас, мулла Абдурахмон, хато йўлдан бошламанг. Биз қўндалик тирикчиликни бир қадар яхшилаш тадоригини ахтаришимиз даркор. Ҳаммамиз ҳам мусулмон фарзандлари эканлигимизни унутиш баайни телбалик. Бас, шундай экан, қишлоқ аҳлини оёқлантиришнинг не ҳожати бор?

— Аввал бизнинг режаларимиз,— деб босиқ овоз билан жавоб берди Абдурахмон,— сизнинг бу ташвишларингиздан анча олдинроқ келишилган. Унда жабр-зулм ва адолатсизликни йўқотишнинг бирдан-бир тўғри йўли инқилоб дейилган, адашмасам?!

Савол бергувчи бу сўзлардан баттар тутақиб, нажот топиш мақсадида энди ўтирганларга мурожаат қилди:

— Сизлар айтинглар, биродарлар, азбаройи худо, бизнинг уюшмоғимиздан мақсад хун тўкишмиди?

Гапга Зайниддин аралашди:

— Мулла Мирғиёс, ўзингизни соддаликка солиб, бу ерда ўтирганларни бунчалик бефаросат англаманг. Бизнинг муддаомиз Бухоро осмонидаги қора булутларни парчалаб, нурга маҳтал фақир кўчаларимизда тезроқ ҳуррият қўёши балқилини муборақбод этмоқдир. Ҳурриятни эса амиратни тартибга чақириш билан қўлга киритиб бўлмаслигини ўзингиз ҳам биласиз. Хўш, нима қилмоғимиз даркор? Албатта, шаҳару қишлоқ аҳлини оёқлантириб, амирликка қарши бош кўтаришга раҳнамо излашимиз лозим. Инқилоб маркази Самарқандда экан, биз унга мурожаат этиб, мадад тиламоғимиз биринчи навбатдаги вазиғамиздир.

— Мен кофирларга қўл беришга тамоман ноқобилман,— яна эътироз билдирди Мирғиёс.

— Бизнинг мақсадимиз баҳамжиҳат иш тутмоқ, албатта, мулла Мирғиёс,— дея Абдурахмон унга жавоб қайтарди.— Лекин биз билан баҳамжиҳат бўлишни истамангиз баъзи бировларнинг раъйига қараб иш тутмоқ, ўзини зиңдонга отмоқ билан баробардир. Агар кўпчиликнинг фикрига ноқобил бўлсангиз, ўз билгингизча қолинг.

Абдурахмон шундай деди-ю, ортиқ бу гапларга эътибор беришни истамаслигини ифода этиб, жамиятнинг бу-гун-эрта бажарадиган ишлари тўғрисида тўхталди.

Абдурахмоннинг фикрини маъқуллаб, яна икки киши сўзлагач, йиғилиш хотималанди.

3

Абдурахмон тегишли топшириқларни бериб бўлгач, бориб ҳордиқ чиқармоқчи, сўнгра кун оқармай, бирор қишлоққа жўпамоқчи бўлиб, уйига йўл олган эди. Аммо Бозорипавдап энди бурилган эди ҳамки, отасининг «Абдурахмон!» деган овози уни тўхтатди. Қайрилишидаги биришчи дарвозанинг сунасига ўтириб олди. Отаси унинг ёнига келиб ўтириб, атрофни яна бир кўздан кечиргач, хириллаган овозда секин сўз бошлади:

— Бир-икки кун уйга қайтмаганинг маъқул, ўғлим. Бугун Ситораи Моҳи хосада амир одамларни тўплаб, муҳим гапларни кенгашиб олибди. Охирида амирликка хос амалдорлар қолиб, шаҳардаги шубҳали одамларнинг ҳаммасини ҳибс қилиш борасида фармони олийини олиб, шу заҳоти ишга тулишибди. Бу гапларни амакинг айтди-ю: «Худо хайрингни берсин, ука, болангни қочир, бордию амирлик билиб қолгудай бўлса, мени ҳам аркдан бадарға қилиши тайин», деб энди қайрилиб кетган ҳам эдики, беп-олти сарбоз кўринди. Улардан бири: «Шу ёқда ҳам мардикордан қочган бир йигит бор, деб эшитардим, аммо қаерда туришини аниқ билмайман. Қани, юравер, сўроқлаб топамиз», деб Даббийён томон кетишди. Мен шукрона қилиб, гузар томон чопдим. Мана, иншоолло, ўзингни кўриб турибман қани, қимирла, ўғлим, Халач томон бора қол, у ерда Раҳмон тоғани топсанг бас, ишопчи одамлар, бемалол ётасан, қани, бўла қол, ўғлим!

Абдурахмон ортиқ монелик қилмади. Шаҳардан чиқиб, Самарқанд дарвозадан бир оз узоқлашгач, қадамини секинлатди.

Николайнинг мардикор олиш тўғрисидаги фармони, шубҳасиз, Бухорони ҳам четлаб ўтмаган эди. Ҳар бир гузар ўз чекига тушган мардикорни йиғиб бериши керак бўлиб қолди. Кўп қатори Абдурахмон ҳам хатга тушган эди. Нўхат шўрва сотиб кун кўраётган отасининг сармояси ўғлини олиб қололмади. Абдурахмонни Оренбург яқинидаги темир йўлда ишлатишди. У ерда Абдурахмон Иван Прокофьевич Демикин деган рус ишчиси билан танишиб, ота-ўғилдай бўлиб қолди. Иван Прокофьевич ишларни бошқарувчининг ёрдамчиси бўлганидан кўпинча Абдурахмонни уйига олиб борар, аста-секин дунёда содир бўлаёт-

ған воқеалар, жахон уруши, унинг рус подшолигига таъсири, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб турган ички ғалаёнлар, унинг сабабларини батафсил тушунтирар эди. Ниҳоят, бир купи:

— Ҳамма озод бўлиши керак, Абдурахмон, бунинг учун бойларни йўқ қилишимиз зарур,— деди.

Абдурахмон унга тикилиб қолди.

— Қани эди. Бугун тонгда туриб, тўғри станцияга чиқасан, куп ёриганда юк поезди келиб тўхтайдди. Олтинчи қизил вагонга бориб, Алексей деган одамга учрайсан. У менинг ўртоғим. Исмнинг айтсанг кифоя, сени Тошкентгача олиб бориб қўяди. У ёғига юртингни топарсан,— деб Абдурахмоннинг икки елкасига қўлларини қўйиб, бағрига босди.— Юртингга борганингдан кейин сира қўрқмасдан камбағалларга бойларнинг кирдикорларини фоти қилиш керак. Энг яхши оғайниларингнинг ёнигга олиб дадил ҳаракат қил, уқтингми? Яқин ойлар ичида ҳамма ерда ҳуррият бўлади, хайр эди. Балки кўришиб қолармиз,— деб хайрлашди.

Шундай қилиб, Абдурахмон Бухорога қайтди-ю, Иван Прокофьевич айтганча иш тутди. Атрофига уч-тўрт ишончли оғайниларини тўплаб, уларга воқеани тушунтирди. Шу орада «Ёш бухороликлар» жамияти тузилди. У ҳам атрофидаги уч-тўрт одамлари билан аъзо бўлди. Шундан буён қишлоқма-қишлоқ юриб, деҳқонларга амирлик сийсатининг пучлигини тушунтирар, одамларни аста-секин порозилик тўлқинига қўшилиб, қўлга қурол олишга ундар эди.

Бугун Абдурахмон отасига ортиқча монелик қилмаганининг сабаби ҳам шунда. У тонг ғира-ширасида Халачга кириб келди-ю, омонда ер ҳайдаётган чолдан Раҳмон тоғаникини сўраб олиб, эшигини тақиллатди.

Раҳмон тоға бошида унга тикилиб қолди. Шаҳарликни кўрса, амирлик одами, деб қўрқадиган одати бўлганидан бир оз чўчиди ҳам. Абдурахмон унинг хавфланаётганини сезиб, ўзини таппиди.

— Ҳа, Абдурахмон, шўрвапазнинг ўғлиман, денг. Баракалло, баракалло, ўғлим, қани, кира қолинг танимабман. Беш-олти йил олдин ўтип таниб юардим сизларникига, ортиқ разм солмаган эканман, қани, қани, кириг, ўғлим. Қиблагоҳ соғ-саломат бормилар?

— Шукур, дуо айтдилар.

— Соғ бўлсинлар, ўғлим, саломат бўлсинлар. Қани ўтириг, ўғлим, қайси шамол учирди биз томонларга?

— Ўзим, шундай, бир кўриб кетай дедим.

— Ҳа, раҳмат, ўғлим, раҳмат, хуш келибсиз!

Абдураҳмон ҳол-аҳвол сўрашгач, фикрларини бир ерга тўплаётгандай жим қолди, сўнг:

— Раҳмон тоға,— дея жиддий оҳангда мурожаат қилди.

— Хўш, хўш, ўғлим, эшитаман!

— Ҳалигидай, ўзингизга ўхшаган, ишончли одамлардан бўлса, бени-олти кишини чақиртирсангиз, гап бор эди.

— Хўп бўлади, ўғлим, хўп бўлади. Мана ҳозир. Равшан, хў Равшанжон!..

— Лаббай, дадажон!— Равшан уйқусираган кўзларини гоҳ дадасига, гоҳ бемаҳалда келган нотаниш меҳмонга тикиб жавдирарди.

— Бориб Ҳодиқул тоғанг, Исмат бобо, Муродбек, Амिनжонларни чақир, ўғлим. Шаҳардан меҳмон келибди, тез чиқаркансизлар, дегин.

Раҳмон тоға бир нарсани унутгандай ўғлини тўхтатди:

— Ҳа, айтгандай, Бури-дев кеча мени кўриб, икки оғиз гапим бор, дейётган эди. Айт, у ҳам кела қолсин.

Равшан бир нарса демоқчи бўлиб дадасига яқинлашди-ю, аммо меҳмондан тортинди.

Раҳмон тоға номларини айтган ҳамма одамлар йиғилгач, Абдураҳмон салмоқлаб сўз бошлади:

— Биз кеча амирнинг бутун зодагонлар билан ўтказган бир йиғинида иштирок этдик. Йиғин тарқалиши биланпоқ бир-икки қишлоққа чиқиб, ўзимизга ўхшаган усти юпунларни огоҳлантириш мақсадида эдик. Гап бундай, биродарлар: амир билан унинг аъёнлари ҳаддан зиёд қутураётганини ҳар биримиз кўриб турибмиз. Шу кунларда амирликнинг тухуми оғзига тиқилиб қоляпти. Нега десангиз, Россия томонда ҳуррият бўлди. Тошкент бойлар зулмидан қутулди, самарқандлик биродарларимиз кўксига озодлик шамоли тегди. Тез кун ичида деҳқонларга ер-сув тегади. Энди улар бойларга муте эмас. Бу гап амирликни албатта саросимага солмай иложи йўқ. Шу ваздан амир бугун инқилобнинг олдини олиш учун бутун чораларни кўряпти. Хазинасини тўлдириш мақсадида қутурыпти. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмаганидай, инқилоб шамолини тўсмоққа интилиш осмонга қопқоқ ясамоқ билан баробар. Энди аламдийда халқнинг газабидан қутулиш мушкул. Минбаъд амирлик ўз ниятини халқдан яширмақ, халқни бамайлихотир талаш ниятида кофирларга қарши ғазот қилаётирман, деб шаҳару қишлоқ аҳлини оёқлантирмақчи. Гапнинг қисқаси, кам-

бағални камбағалга гижгижлаб, ўзи жон сақлаб қолмоқчи...

— Шошманг, иним, исмингиз нима сизни?— Ҳодиқул луқма ташлади.

— Абдурахмон.

Ҳодиқул унга ишончсизлик билан бир қараб олгач сўз бошлади:

— Ўзингиз, иншоолло, мусулмон фарзанди экансиз-а?

— Шундай, амаки.

— Хўш, амир кофирларга ғазот очса, пега ёмон дейсиз, ахир, иним? Динимиз, имонимиз оёқ ости бўлиб кетаверадими?

— Гап динда эмас, амаки,— тушунтирмоқчи бўлиб Абдурахмон энди оғиз очган эди, Ҳодиқул унга сўз бермади:

— Нега динда бўлмасин? Амир динимизни ҳимоя қилмоқчи-ку, ахир? Нега биз қўшилмаслигимиз керак?

— Йўқ, амаки, амир динимизни ҳимоя қилаётгани йўқ, у камбағалнинг кўкрагига шамол тегсин деб, унга ҳуррият олиб бермоқчи бўлганларга қарши мен билан сизга ўхшаган усти юпунни гижгижлатиб, ўзи жон сақламоқчи, салтанатини ҳимоя қилмоқчи,— деди қатъий оҳангда Абдурахмон.

— Ҳа, шундайми?— Ҳодиқул яна ўйланиб қолди. Сўнгра эшитилар-эшитилмас:— Барибир бировнинг молини зўрлик билан тортиб олмоқчи бўлиб келаётган бўлади-да, ҳалиги айтган одамларингиз, — дея Абдурахмонга ер остидан қараб қўйди.

Гапга Раҳмон тоға аралашди.

— Э, Ҳодиқул иним, қизиқ гапларни айтасиз. Амирлик, ўзимизнинг бойларимиз мулкни қаёқдан олган? Мен билан сизданми? Ё олло таоло лўп этиб «мана санга, ол қулим», деб осмондан ташлаганми? А? Мана шу кунингизни бир ўйланг. Ҳосилни кўтардингиз, заминдорнинг тегинини бериб, қолганини сарапжомлаб қўйдингиз. Шунини нақдингиз дея оласизми?

— Худога шукур, албатта менинг нақдим-да у,— дея Ҳодиқул оғиз тўлдириб ганирган эди, Исмат бобо истеҳзо билан кулиб қўйди.

— Ҳой болам, ғўрлик қилма, шу замонда оғзингда-гигаям ишонмагин. Ютиб олганинг нақдинг, ҳа, болам, ютиб олмагунча, оғиздагини олдириб қўйганларни кўп кўрганмиз, — деб чуқур уҳ тортди чол.

Боядан бери гапга аралашмай бир чеккада ер чизиб ўтирган Бўри-дев сўз қотди:

— Э, бу калонполарнинг хизматики қилавериб ел-камнинг яғири чиққан. Кони алдамчилик, фирромчилик экан уларнинг иши. Икки пуллик иш учун хун тўкиш мен билан сизнинг гапириб ўтиришимиздай бир нарса экан уларга. Жонимдан тўйганимдан қинлоғимни ташлаб, шаҳарда тептираб, мардикорчилик қиляпман, ҳафтада бир-икки келиб, тупроғимни ҳидлаб ётиб хумордан чиқиб, яна чойчақа излаб кетаман. Мана, мени қўшинг ўша одамларингиз қаторига, ака,— дея Абдурахмонга мурожаат қилди Бўри-дев.— Мен газотга чиқманглар, деб қинлоқма-қинлоқ юриб, овозим борича халойиққа етказаман, менинг алданганим етар, деб дод соламан. Хўш, ўша сиз ҳимоя қилаётган амирликдан не кўрдим?— Бўри-девининг ғазаб тўла кўзлари Ҳодиқулга қадалди.— Унинг ғанимларини дафъ этаман, деб еган калтакларними? Ўтларимни тилимлаган шамшир тигиними? Йигитлик кучимни сўришди, мендан зийракроқ айғоқчи топилгач, аркдан қувғин қилиндим. Мен билан сизга ўхшаган авомлар кўзи олдида салобатини ошириш учун қадамжо деб аталадиган ўша Бухоройи шариф кўчаларида, беҳисоб масжиду мадрасалар остонасида тиланчилик қилганимда соқоли йилтиллаган бойваччалар гадой тўрвамга лоақал бир чақа ташлаган эмас. Ўзим сингари ялангоёқлар огиздагини тутди, бошимни силади. Мен амир лашкарларига гуноҳсиз одамларни қириш учун йўл бошлаб бораётганимда уларга мададкор бўлганимни ўйласам, бошимга қон қуйилиб, жумлаи мўминга ҳайқириб дод солгим келади. Ҳодиқул ака, сиз чучварани хом санаяпсиз, сабаби — уларнинг кирдикорлари, фисқ-фужурлари сизга аён эмас, мен биламан. Уларнинг емиши макруҳ, қилминини макр, фикри ёди маишат. Мен умрим бўйи ўша ифлосларни лаънатлайман.

Бўри-дев ортиқ гапиролмади. У тескари қараб бошини панжалари орасига олиб, жим қолди.

— Ие, ие, Бўривой, иним, сенга нима бўлди-а?— Раҳмон тога унинг елкасига қоқиб қўйди.— Қўй хафаликни, Абдурахмонжон бизни ҳамжиҳат бўлиб, бош кўтаришга даъват қиляпти. Бугун ана шуни ўйлайлик. Ҳодиқул сингариларга тушунтирайлик.

— Эҳ, мен қасос олмай қўймайман. Хун талаб қиламан улардан!

Бўри-девининг тўлқинланиб айтган бу сўзларида ҳеч ким аниқ бир мазмун англамаган бўлса-да, унинг ичинини бойларга нафрат билан тўлганини ўтирганлардан ҳар бири чуқур ҳис этди.

Бошқа ҳеч ким ҳеч нарса сўрамади. Ҳамма маъқул, дегандай бош силкиб, Абдурахмонга қараб турарди.

Абдурахмон вазмин сўзлаб, фикрини яқинлади:

— Ноҳақ хун тўкишининг олдини олиш учун бутун қишлоқ аҳлига шу гапларни ётиги билан етказиш лозим. Амирнинг пожўя хатти-ҳаракатини одамлар тушунса, бир-бирига мушт кўтармайди. Шаҳарда ҳам шундай қиламиз. Иложи борича одамларни бу ишдан воқиф этамиз. Биз Самарқанддан ҳуррият кутяммиз, эрта-индин у ерга мадад сўраб борамиз. Инқилоб бўлиб, ҳамма озод бўладиган кушлар узоқ эмас.

— Барака топ, ўғлим Абдурахмон, баракалло. Ҳамма айтганларинини, худо хоҳласа, халойиққа етказамиз, хотиржам бўл, биздан кўнглинг тўқ бўлсин, ҳа, ҳаммасини айтамиз, ўғлим!

Раҳмон тоғанинг бу гапини ҳамма бир оғиздан маъқуллади. Абдурахмон миннатдорчилик билдириб, қўшини қишлоққа ўтишини айтиб, ўтирганлар билан хайрлашди...

4

Куз шамоли тинимсиз увиллайди. Дов-дарахтлардаги сарғайган япроқларга ўчакингандай бандидап чире узиб, ҳавога кўтариб, бирпас муаллақ уйнатади. Сўнгра дуч келган томонга итқитиб, яна янгисини илинтириш учун чорбоғ оралаб изғийди. Сарғая бошлаган япроқлар эса унда яширишмоқчи бўлгандай, ариқ бўйларидаги буталар остига интилади.

Равшан шуларни кузатиб ўтираркан, кечаги шаҳарлик кишининг сўзларини эслади: «Шу кунларда амирлигининг тухуми оғзига тиқилиб қоляпти. Нега десангиз, Русия томонда ҳуррият бўлди. Тошкент бойлар зулмидан қутулди. Самарқандлик биродарларимиз кўксига озодлик шамоли тегди. Тез кун ичида деҳқонларга ер-сув тегади. Энди улар бойларга муте эмас».

Равшан учун бу сўзлар қизиқ, ғайри табиий. Ўйлаб, ўйлаб маъносига етолмайди. Аммо кечаги бутун суҳбат давомида шаҳарда қандайдир ўзгаришлар содир бўлаётганини, деҳқонлар ҳам ҳақ талаб қилаётган пайт келганини ўз қулоғи билан эшитиб олди. Айниқса, Ҳодикул аканинг меҳмонини уст-устига сўроққа тутиб, билиб олган нарсалари Равшанни ҳам анча ўйлантириб қўйди.

У япроқларга узоқ тикилиб қолди. Ўз онласининг оғир қисматини шу дов-дарахтларга қиёс қилиб ўйлади. Ота-бела ҳар йили бир пярча ер устида парвона бўлиб,

экип-тикин қилишади. Чумоли сингари уни энди уйга ташиб олганда, бирипчи бўлиб қишлоқ оқсоқоли, ундан кейин амир одамлари ҳақ талаб қилишади. Ота-бола ундирган ҳосилнинг бешдан тўртини юлқилаб олиб, бир кафтгинасини деҳқон шўрликка қолдиришади. Деҳқон шўринг қурғур уни уруғликка яратса хўраги йўқ, хўрагини ўйласа уруғликдан айрилади.

Зўравон шамол дов-дарахтлардаги сўнгги япроқларни юлқиб кетмоқда. Ялапғочланиб қолган дарахтнинг деҳқондан нима фарқи бор? У ширин мева тугади, роҳатини бошқалар кўради. Ҳатто сўнгги япроғигача шамол тортқилайди.

Равшан қишлоқ аҳлининг огир қисматини ўйлаб кетди. Нега энди бир тўда одамларгина тер тўкишга маҳкум этилган? Ҳамма баравар ишлаб, тирикчилик ўтказса бўлмайдами? Самарқанддан ҳуррият келганда шундай бўлармикан?

Равшан ўрнидан турди. Бу фикрлар тизмаси унинг миясида кучли момақалдироқдан кейинги чақмоқдай ялт-юлт этди-ю, ғойиб бўлди. Равшан уларни яна бир бошдан ипга тизган эди, кўз олдига жамики нарсани ямлаш учун оғзини катта очиб турган бадбашара одамлар келди. Чайир қўллари мушт бўлиб тугилди. Шаҳарлик меҳмон айтган сўзларни эслади. Озгинликдан суяклари туртиб турган бу чуваккина кишига ҳаваси келди. Унинг маъюс кўзлари ҳамиша бир нуқтага тикилиб турарди. Равшан шу олижаноб кишини қидириб боргиси, унга: «Мени ҳам тўпингизга қўшинг, айтган гапларингизни ҳаммага етказаман, сизга қарашаман», дегиси келди. Гулбодом-чи?..

5

Хаёлини яна Гулбодом чулғаб олди. Равшаннинг кўзлари юмилди. Ўзини маъшуқаси билан Абдурахмоннинг кетидан кетаётган ҳолда кўриб, энтикди. «Гулбодомга айтиб қўйсаммикан?» — беихтиёр лаблари шивирлади. Гулбодомлар дарвозаси олдига келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Дарвоза олдида бирпас иккилапиб турди: «Нима деб чақираман? Хафа бўлиб, эшикни ёпиб кетса-я!»

Абдурахмоннинг сўзларини ўйлаганда, яна ўзида қандайдир беқиёс куч тўпланиб келаётганини ҳис этди. Ичида: «Ҳодиқул акани сўрарман», деди-ю, дарвоза ҳалқасига дадил қўл узатди. Ичкаридан маъшуқасининг «Ким?» деган мафтункор овозини эшитиб бўғиц-бўғиц-

ларигача бўшашди, ҳатто оёқ-қўллари билинар-билинмас қалтираётганигача сизди. Бояги жасоратидан асар қолмади. У орқага қайтишини ҳам, юрак ютиб овоз чиқаришини ҳам билмай, довдираб қолган эди. Гулбодомнинг боягидан баландроқ ва кескинроқ қилиб «Ким?» деган овози уни ўзига келтирди.

— М-мен...

Бир зумлик сукунатдан сўнг занжирнинг ширқ этгани эшитилди-ю, дарвозанинг тавақаси ғийқ этиб очилиб, ўша жон олгувчи шаҳло кўзлар Равшанга ҳайратомиз тикилиб қолди. Икки томон ҳам мувофиқ сўз тополмаётгандай жим турарди. Равшаннинг кўзи тингандай бўлди. Ҳозир унинг назарида бу ерда ҳеч нарса йўқдай, қишлоқ ҳам, дарахтлар ҳам, ўзи тақиллатган дарвоза ҳам. У Гулбодомнигипа кўрар, аммо нима дейишини билмас эди.

Ниҳоят, бир дақиқалик жимликини Равшан бузди:

— Ҳодиқул ака уйдадилар?

— Дадам йўқлар, чўлга кетганлар.

Бу сўз Равшаннинг билакларига куч бағишлагандай бўлди. У ўзини ўнглаб олиб, хиёл табассум билан:

— Хайрият, ўзингиз экансиз,— деди-ю, қизнинг кўзларига тик боқди.

Қиз бу қарашга бардош беролмади. Ёнига қараб сўзлади:

— Юрагингизни шунчалик олдирганмисиз?

Гулбодомнинг бу кинояси уни бир томондан мулзам этган бўлса, иккинчи ёқдан: «Шу юрак билан эшикни тақиллатиб нима қилардинг?» деётгандай туюлди. Аммо нима бўлса ҳам бу сўздан сўнг анча дадиллаиди. Гапни бошқа ёққа буришга чоғланди:

— Юракни олиб қўйганинг ўзи билан рўпара келиш осон эмас экан!..

Гулбодом ичкарига таклиф қилгандай, остонадан икки қадам нарига бориб, индамай турди. Равшан маъшуқасининг кўзлари унга тикилганини кўриб, дадил ичкарига кирди. Дарвозани ёпди. Қиз ҳамон ўрнидан қимирламас, шодликданми, ҳаяжонданми лов-лов ёлиб, ширмондай қизарган юзлари уни янада афсановий бир ҳуснга чулғаб, ошиқ қалбини жизиллатар эди.

Равшан ортиқ чидай олмади. Ўша олоқ бармоқларга бир зумгина суқланиб боқди-ю, аста одимлаб, қиз қаршисига келиб тўхтади. Энди Гулбодомнинг калта-калта нафас олаётганигача аниқ эшитиларди. Маъшуқасининг тотли лабларидан чиқаётган ўтли ҳарорат унинг бўйнига

гүё олов пуркаётгандай аъзойи бадапи қизиб кетди. У билинар-билинемас қалтираётган унғ қўли билан қизнинг тикмачоқ билагидан ушлади. Гулбодом ҳам ортиқ монелик билдирмади-ю, аммо нимқоронғи кичкина йўлакдан ҳовли томон юрди, қизнинг билаги бармоқлари орасидан балиқдай сирғалиб чиққанини Равшан ҳатто сезмай ҳам қолди. Икки ҳароратли қўл бир-бирига занжирбанд чирмашган чоқда у тамоман беҳуд бўлган эди. Бу пайтда у ҳеч парсани идрок этолмас, қулоқларига биров пахта тикқандай товуш эшитмас эди. Қўллар бир-биридан ажрагандан сўнғ ҳам улар ўзларига келолмай, анчагина унсиз туришди. Энди ҳар икки қалб қўрқувдан эмас, балки яна бир бор қовушиш, ўша ўтли қўлларнинг бир-бирига печакдай чирмашиш истаги билан туғён урарди. Аммо бунга журъатлари етишмаётгандай ҳар икки томон бир-бирига ўтли қараш билан боқиб антикарди.

Гулбодом аста юриб, гулзор олдидан ўтди. Остонада бирпас туриб қолди. У қайрилиб Равшанга қаради. У ҳам келиб яна Гулбодом қаршисида туриб қолди. Гулбодом остонага ишора қилиб, оҳистагина: «Ўтиринг», деди-ю, Равшанга кўз қирини ташлаб, жилмайди.

— Ўзингиз ҳам ўтирмайсизми?— деб Равшан авайлаб унинг тирсагидан ушлади. Гулбодом ўша табассум билан ёрига яна бир боқиб, индамай ўтирди. Остона энсизлигидан Равшан унғ қўлини қизнинг чап елкаси оша элик кесақисига тиради. Қизнинг елкаси унинг кўкрагига тегиб турар, куз шамоли қўнғир сочларини тўзғитиб, Равшаннинг бўйинини қитиқларди. Севишганлар ширин хаёлдай лаззатли бу дақиқаларнинг узилиб қолишидан чўчиётгандай, анчагача овоз чиқармай, жим ўтиришди. Улар ҳар икки қалб гупиллаб ураётганини аниқ эшитаётгандай, энди бир-бирларига боқишга ҳам журъат етишолмас, туғироғи, севги жодуси ҳис-туйғуларини сеҳрлаб қўйган эди.

Табиат ҳам оташ ичида ёнаётган йигит ва қизнинг бу ўтиришини ёмон кўздан асрагандай, борлиқни қоранарда билан чулғади. Кўкдаги юлдузларгина уларнинг кўзларига милтиллаб боқар, баъзан ёғду сочишга ожизлик қилаётганидан уялаётгандай аста бирин-кетин ғойиб бўлар эди.

— Вой, юлдузларни қаранг, бирпасда ғойиб бўлди-я!

— Сиздан уялиб, булутлар папасига кирди.

Гулбодом Равшаннинг нимага шама қилганини англаган бўлса-да, унинг овоз чиқариб иқрор бўлишини истади.

— Нега энди мендан уяларкан?— деб Равшанга қараб қолди.

— Ҳуснингиздан, чарақлаб турган кўзларингиздан, Гулбодомхон!

— Сизга шундайдир-да.

Гулбодом бу сўзларни меҳр билан секин айтди-ю, ерга қаради.

Равшан ўнг қўлини қизнинг елкасига туширди. Муаттар сочларни силади. Қизнинг ўт бўлиб ёнаётган қўлларини напжалари орасига олиб сиқди. Унинг лаблари аста шивирлади:

— Хабарингиз борми?

— Нимадан?

Равшаннинг нафаси бўғзига тиқилгандай энтикди. Асабини босди:

— Оқсоқолнинг бузуқ ниятидан.

Гулбодом бирпас жим тургач, овоз чиқармай бош чайқади. Сўнгра йигламсираб:

— Сира ҳам унақа бўлмайди, Равшан ака!— деди.

Равшан ялт этиб қизга қаради.

— Ростингизми, Гулбодом?

Қиз аввал бош силкиб, бунга қаноат қилмагандай:

— Ҳа, Равшан ака!— деб қўшиб қўйди.

— Бўлмаса уна балохўр, бадкирдорларни йўқ қилиб ташлашга ёрдамлашмайсизми?

— Кимга?

— Менга, Абдурахмон акага, қишлоқдаги ҳамма жабр кўрганларга...

— Бир умр ёнингизда бўлай, Равшан ака! Умри хазон бўлган онамнинг қони ҳурмати, бир калтак урсам ҳам кўнглим тинчийди. Қачонгача лахта қоп ютиб, бардош қиламиз? Онамнинг қонга бўялган жасади ҳали-бери кўз унгимдан кетмайди. Наинки бир бурда понимизни хотиржам сўлмасак!

— Хафа бўлманг, Гулбодом! Ҳуррият бўлади, биласизми, ҳуррият! Шаҳардан келган меҳмон айтди. «Бунинг маъноси шуки,— деди у,— ҳамма озод бўлади, бойлар йўқ бўлади, камбағаллар ҳеч кимга муте бўлмайди!» Ана шунинг учун бутун қишлоқ бирга бўлиши керак экан. Ҳаммамиз бир бўлсак, биздан амирнинг ўзи ҳам қўрқиб, нафаси ичига тушармиш.

— Айтганингиз келсин, Равшан ака!

— Албатта, келади.

— Мен ўз қўлларим билан имонсиз оқсоқолнинг соқолларини биттадан юлсам, онамнинг қотилига шу мит-

ти қўлларим билан шамшир кўтарсам. Ана шунда бир оз кўнглим тиңчирди.

— Айтганингиз албатта келади, Гулбодом!

Гулбодом билан Равшан мижжа қоқмай бир нуқтага тикилиб қолишди. Уларнинг қасоскор қалби ҳозироқ туғён кўтаришга тайёр тургандай ҳис-ҳаяжонлар гирдобиди қайнаб-тошарди.

Равшан дарвоза томон юрди. Унинг чимирилган қуюқ қошлари, мушт бўлиб тугилган қўллари тоғни толқон қилгудек куч йиғилганидан дарак берарди. Бу — четдан келган куч-қудрат эмас, балки мўъжизакор севги бахш этган шижоат эди.

6

Равшан Гулбодомлар ҳовлисида чикди. Унинг фикрлари бир қадар тиңган. Хаёлида Гулбодому ширин тушдай бўлган учрашув, ҳуррият, зolimларга қарши кураш, талаб ичига кириб ҳақ талаб этиш иштиёқи қанот бергандай уни ғайратлантирар эди. Ярим кечагача кўзига уйқу келмади. Ниҳоят, Абдурахмон тўнига қўшилишга қарор қилди-ю, кўзини юмди.

— Гур, ўғлим, кўчадан хабар ол-чи, шима тўполов?

Дадасининг овозидан чўчиб уйғонган Равшан ўрнидан турди-ю, дарвозага яқинлашди. Зокирбойнинг овозини эшитди. У кимгадир фармойиш берарди.

— Одамларни дарҳол тузарга тўнланг, шаҳардан киши келди, қани, қимирланг!

Равшан орқасига қайтди. Ота-бола катта садақайратчи остига боришди. Кўп ўтмай ҳамқишлоқлари биринкетин келиб, супа атрофидан ўрин олишди. Ҳамма йиғилгач, Зокирбойлар ҳовлиси томондан олдинда Бузрукхўжа, унинг икки ёнида ўша икки ҳамроҳи, орқасидан эса Зокирбой ва беш-олти амир сарбозлари келарди.

Раҳмон тоға сарбозларни кўриб, Ҳодиқулга қараб: «Кўрдингми?» дегандай афсусланиш билан бош чайқаб қўйди. Исмат бобо уҳ тортиб, ёнидагиларга шивирлади. Бир лаҳзада ўтирганларнинг бусиз ҳам ғам-андух тўла чеҳраларини ташвиш қоплади.

Амир одамлари ўрнашиб олишгач, Бузрукхўжа қишлоқ аҳлига бир қараб олиб, сўз бошлади:

— Амиралмўъминин, валинеъматимиз мени сизларнинг ҳузурларингизга йўлладилар.

— Валинеъматимизнинг умрлари узоқ бўлсин! — Зокирбойнинг бесўнақай овози хириллади.

Бузрукхўжа одамларга яна бир разм солиб олгач, сўзида давом этди:

— Ислон дини ва шариатимиз маскани Бухоройи шарифимиз бағоят ғамнок қўнлар пой остонасида турибди. Большавой деган баттол кофирлар Тошкентни босибди. Самарқандни қўлга киритибди. Хавф-хатар бизларнинг бошимизга ҳам соя солиш эҳтимоли бўлганидан, амиралмўминин сиз фуқароларининг ташвишларида қолдилар. Тўнлари бедор, кечиб, чора изламоқдалар. Бу баттол кофирларни даф этиш учун қўшин шайлаш, одам тўплаш даркор. Булар эса беҳисоб олтин бадалига келади. Пуштипапоҳимиз сизлардан нажот кутадилар. Ҳар бир фуқаро ўтган йилги боқимондасини узиш баробаринда, хазина учун икки қанордан дон бериши вожиб. Кимдаким амиралмўминининг бу фармони олийларидан бош тортса, кофирларнинг ҳомийси деб сангборон этилур, зиндонга ташланур. Бундайлардан амиралмўминининг шафқатлари юз ўгирур ва шу баробаринда яна ул падари бузрукворимиз кофирларга ғазот очганда ҳар бир фуқаро бу ғазоти умумдан хориж бўлмаслиги зарур, деб фармойиш этдилар. Дин ва шариатимизга маҳкам турган фуқаролари, иншоолло, бу фармойишларни ўринлатур, деб умид тутамиз.

Яна Зокирбойнинг овози эшитилди:

— Албатта, тақсирим. Амиратимиз бошига шундай ташвиш тушиш эҳтимоли бор экан, молимиз, жошимиз қурбонлари бўлгай!

— Қани, бошланг бўлмаса, Зокирбой,— дея Бузрукхўжа тўрт буклоғлиқ қоғозни унга узатди.

— Исмат бобо Тожи ўғли. Ўтган йилги боқимондаси бир қанор. Амиралмўминин хазиналарига икки қанор. Қани, бориш, қимирланг, Исмат бобо!

Зокирбойнинг бу гапидан кейин қотиб қолган Исмат бобо, бир оз ўзига келгач:

— Садагангиз кетай, Зокирбой, ҳаммамизнинг аҳволимиз ўзингизга аён-ку, ахир. Бу йилги сувсизлик офати тинка-мадоримизни қурутди. Бир кафтгина донимиз тирикчилигимизга ўлмас овқат бўлиб турибди. Шунинг ҳам олсаларинг, очдан ўлмаймизми, болам?— деди.

— Гапни калта қилиш, қани, олиб чиқасизми, йўқми?— Зокирбой унинг қаршисига бориб ўдағайлади.

Чакка томирлари бўртиб, лўқиллаб турган Исмат бобо ерга қараб ҳўнграб юборди. Сўнгра йиғилганларга мурожаат қилиб:

— Мусулмонлар, бу қандоқ бедодлик-а? Ахир, хароб бўламиз-ку!— дегани ҳамона амир сарбозларидан иккитаси келиб, унинг қўллариини қайириб, Бузрукхўжа оёғи остига олиб бориб ташладилар.

— Узр сўра, итдан тарқаган! Валинеъматимизга тил тегиздинг!

Исмат бобо қалтироқ қўллариини Бузрукхўжага чўзди:

— Диёнат борми сизларда? Кофирларга ғазот деб халойиқни куппа-кундузи талашдан уялмайсизларми?

Исмат бобо бошига устма-уст тушган қамчидан ерга чўзилиб қолди. Зокирбой икки одамига буюрди:

— Боринг, бу худо беҳабар дажжолнинг уйидаги бор дон-дуини олиб чиқиб, амирлик аравасига ортинг, ўзини банди этиб, қўл-оёғини кишанланг!

Яна икки кишининг уйдан икки қанор дон олиб чиқилиб, амирлик аравасига юкланди. Гал Ҳодиқулга келди. Унинг қўллари қалтирар, жавдираган кўзларини Зокирбойга тикиб: «Раҳм этинглар, шафқат қилинглар!» деб турар эди.

Зокирбой Бузрукхўжага маъноли бир қараб олгач, салмоқлаб сўз бошлади:

— Бу кишининг аҳволлари анча оғир, тақсирим. Аёллари қазо қилди, бошларига кулфат тушди. Ўтган йилги боқимондалари икки ярим қанор экан. Шунинг бир қанорини кечиб юборишингизни тақсиримдан сўрардим.

Ҳодиқул бир қадам олдинга ташлаб:

— Раҳм қилинг, тақсир, ўтган йилги боқимонда мепда йўқ, ҳаммасини олиб кетишган, раҳм қилинглар, уйимни куйдирманглар,— деди.

— Сен берган бўлсанг, амирлик бўҳтон қиладими? Ганир, побакор!— Бузрукхўжанинг ёнида турганлардан бири Ҳодиқул тепасига учиб келди.

— Тақсир, ахир мен ҳақ гапни айтяшман! Тақсирлар, раҳм қилинглар!

Бузрукхўжа Зокирбойга истехзо билан қаради:

— Сиз шу одамга раҳм-шафқат қилиб ўтирибсизми? Зокирбой:

— Узр, тақсирим, узр! — дея қўл қовуштириб, ерга қараб турарди.

Бузрукхўжа сарбозларга имлади:

— Боринг, уйдаи олиб чиқинг!

Икки сарбоз тезгина бориб, бир қанорни орқалаб келишди.

— Нима, бошқа йўқ эканми?— сарбозларга ўшқирди Бузрукхўжа.

- Йўқ, тақсир, бори шу экап.
- Уйидаги мол-мулки олиб чиқилсин!
- Қўлга илинадиган ҳеч вақо йўқ, тақсир, унда бир қиз ўтирибди.

Бузрукхўжа Зокирбойга тайинлади:

- Сиз бу ёгини саранжомлаб тулинг, бу нобакорнинг уйига ўзим бораман...

7

Бу ҳақсизликлар олдида ўзини зўрға тутиб турган Равшан қалтираётган қўлларини маҳкам сиқиб, тишини тишига қўйди. Бузрукхўжанинг сўнгги сўзларидан унинг ранги қув ўчди, ҳаёт гулшанининг бирдан-бир тоза гулига човут солмоқчи бўлган бу ёвуз ниятли кишилар билан қай тилда гапланишини билмай ўт ичида ёнди, қалб торларини чертиб, уни забун этган ойжамолини жувошмарг этмоқчи бўлганларга ғазаб тўла кўзлари найзадай қадалди. Аммо Бузрукхўжа бошлиқ сарбозлар анча ерга бориб қолган эди. Равшан ҳам беихтиёр улар ортидан қорама-қора Гулбодомлар уйи томон юрди. Дарвозадан анча берида туриб қолди. Кўп ўтмади. Бузрукхўжанинг овози барала эшитила бошлади:

— Худога шукур қилмайсанми, шундай лобар қизнинг бор экап, нодон. Мана, ишшоолло, амирликка яқинлашсан, валинеъматимиз қарзларингдан кечадилар, ажаб эмас тортиқ ҳам олсанг.

Сўнгра Ҳодиқулнинг ўкирган овози Равшаннинг аъзойи бадабини бўшаштириб юборди. Равшан уни шу топда болаларини шер олиб кетаётганини ўз кўзи билан кўриб туриб, чинқириб қолган қушга ўхшатди. У ҳамон ўзини босолмас, пима қиларини билмай ўртанар эди. Кириб зўравонлик қилаётганларнинг ёқасидан олсинми? Хўш, бундан не наф? Уч сарбозга бас кела олармиди? Равшаннинг хаёлидан шу саволлар яшини тезлигида ўтиб, ҳали бирор қарорга келиб улгурмай, икки сарбоз Гулбодомни арава томон судраб чиқди. Қиз оёғига ўралашиб қолаётган паранжисини йиғиштириб олиб, ҳовли томон талпинар, «Дадажон!» дея зор-зор йиғлар эди.

Равшан олдинга қараб икки қадам ташлади-ю, ҳайкалдай қотиб қолди.

Икки сарбоз Ҳодиқулнинг қўлларини орқасига қайриб олиб чиқди. Гулбодом зўрлик билан аравага ўтқазилди. Унинг аравадан туриб сўнгги бор: «Дадажон, мени қутқаринг! Дадажон, мени олиб қолинг!» деб чип-